БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 50
18 АПРЕЛЬ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-нчи бет).

Москвада Украин адабиёти ва сан'ати кечаси (1-нчи бет).

Озарбайжон совет ёзучиларининг с'езди (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: — **К. Баратов.** — Ҳаётни чуқур ўрганиш, ишга амалий раҳбарлик қилиш керак (2-нчи бет).

ФЕЛЬЕТОН: — **Ш. Кузанбоев.** — Бири боғдан-бири тоғдан... (2-нчи бет).

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ: — **Н. Барабашев.** — Бошқа планеталарда ҳаёт борми? (2-нчи бет).

Пахтакор ўртоқлар! Бутун куч ва моддий-техника воситаларини чигитни тез ва юқори сифатли экиб олишга сафарбар этингиз! М. Гозиев. — «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозида кўкламги дала ишларининг сур'ати паст (3-нчи бет).

ОЧЕРК: — **У. Жонгитов, С. Абдуллаев.** — Келажак эгалари (3-нчи бет).

Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIII с'езди (4-нчи бет).

«Юманите» газетасининг 50 йиллигига бағишланган кеча (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Халқаро касаба союз ҳаракати тобора юксалмоқда

Капитализм мамлакатларида ишчилар ҳаракати тобора юксалмоқда. Меҳнаткашларнинг кенг оммаси нон учун, тинчлик учун, озодлик учун тобора курашга отланмоқда.

Капиталистик мамлакатлар ва мустамлака мамлакатларнинг халқлари демократик лагерьдаги мамлакатларда ҳаёт кун сайин қувончли ва гўзал бўлаётганлигини кўриб турибдилар. Айни замонда капитал мамлакатларида барча машаққатларни меҳнаткашлар зиммасига юклаш учун ҳархил чоралар кўрилмоқда. Энг зарур буюмлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари кўтарилмоқда. Зўр бериб қуролланиш натижасида солиқлар мисли кўрилмаган даражада оширилмоқда.

Кейинги вақтларда капиталистик мамлакатларнинг матбуоти энг кўп тараққий этган капиталистик мамлакатда, я'ни Америка Қўшма Штатларида иқтисодий кризис яқинлашиб қолганлиги тўғрисида кўп ёзмоқда. Ишсизлик саноатнинг янгидан-янги тормоқларига кун сайин ёйилмоқда. Америка Қўшма Штатлари президенти бундан бирнеча кун илгари радио орқали сўзлаган нутқида Америкада бутунлай ишсизлар сони салкам 4 миллион кишини ташкил этганлигини тан олди. Америка касаба союзларининг раҳбарлари бу ракамга лоақал яна бир миллион кишини қўшиш керак, деб айтмоқдалар.

Мамлакатда беш миллион ишсиз борлиги нимадан дарак беради? Бу нарса шундан дарак берадики, оила а'золари блан биргаликда тахминан 20 миллион киши, я'ни Америка Қўшма Штатлари аҳолисининг саккиздан бир қисми тириқчилик қилиш имкониятларидан маҳрум этилгандир. Аммо, ишсизлар сони шу рақамлар блангина чекланиб қолмайди. Америка ишлабчиқариш касаба союзлари конгрессининг ма'лумотларига қараганда, шу йилнинг январь ойида Америка Қўшма Штатларида 9 миллион ишчи ва хизматчи иш ҳафтасида иш блан тўла та'минланмаган.

Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи қуллик асоратида яшашга тоқат қилаолмайди. Ишчилар ўз ҳуқуқлари учун курашга отланмоқдалар. Улар энг зарур эҳтиёжларининг қондирилишини, ишҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Улар демократик эркинликлар берилишини талаб этмоқдалар. Улар узоқ давом этадиган мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини истайдилар.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси Ижроия бюросининг яқинда Венада ўтказилган сессиясида ҳозирги вақтда капитал мамлакатларида забастовка ҳаракати кучайиб бораётганлиги та'кидланди.

Франция меҳнаткашлари ишҳақини ошириш ва гарантияланган минимум белгилаш учун курашмоқдалар.

Англия саноатининг турли тармоқларидаги миллионларча ишчилар ишҳақини 15 процент ошириш учун курашмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларида забастовка кураши кучайиб бормоқда.

Италия ишчилари металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарининг ёпилишига қарши чиқмоқдалар.

Япониядаги электриклар иш ташламоқдалар. Ғарбий Германия металлистлари курашга отланмоқдалар.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги ишчиларнинг турмушини яхшилаш учун, нормал меҳнат шароити учун, демократия ва тинчлик учун олиб бораётган курашига етакчилик қилмоқда. Жаҳон касаба союзлари федерацияси меҳнаткашларнинг чинакам ташкилоти бўлиб, ўз сафларида 64 мамлакатдаги 80 миллиондан ортиқ ишчи, хизматчи, батрак ва қишлоқ хўжалик ишчиларини бирлаштиради.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг Ижроия бюроси кейинги сессиясида барча меҳнаткашларга, барча касаба союзларга мурожаат қилиб, уларни ишчилар синфининг энг зарур манфаатларини қондириш учун курашда ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга чақирди.

Ижроия бюроси монополияларга хизмат қилаётган ўнг касаба союз лидерларни фош қилиб ташлади. Ўнг касаба союз лидерлари зўр бериб қуролланишнинг ашаддий тарафдорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Америка меҳнат федерацияси раҳбарларининг бири, шу ташкилот раисининг ўринбосари Мэтью Уолл Америка касаба союзлари ва булар блан боғлиқ бўлган касаба союзлар «қуролланиш программасини бажаришга бошчилик қилишлари керак» деди. Унинг ана шу гаплари тўғрисида нима дейиш мумкин?

Уоллнинг фикрича, Америка касаба союзлари ва улар блан боғлиқ бўлган бошқа касаба союзлар «ҳозирги жаҳон кризиси вақтида қуролланиш программасини кенг миқ'ёсда амалга оширишда таъаббус кўрсатилиши ва раҳбарлик қилишини та'минлашлари керак». Америка меҳнат федерациясининг раҳбарлари ана шу йўлда зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар!

Жаҳон касаба союзлари федерацияси реакцион касаба союз лидерларининг сиёсатига қарши чиқиб, халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун курашмоқда. Федерация Ижроия бюроси барча мамлакатларнинг меҳнаткашларини «Жанва кенгашининг Корея масаласини тинч ҳал этишга ва Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатилишига олиб келиши» учун кураш олиб боришга чақирди.

Берлин кенгашининг якунлари тўғрисидаги баёнотида Ижроия бюроси Жаҳон касаба союзлари федерацияси қуролланишга бўлаётган ҳаракатларни камайтиришга эришиш учун янги тадбирлар кўришга қат'ий қарор берганлигини та'кидлади.

Ижроия бюроси Европа мамлакатларидаги касаба союзларни ва, биринчи галда, немис ишчилар синфини тинчликка ва халқаро осойишталикка жиддий хавф тўғдираётган герман милитаризми ва реваншизмининг тиклaнишига халақит беришга чақирди.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси Ижроия бюроси томонидан қабул қилинган қарорлар капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатини тўғри йўлдан, меҳнаткашларнинг турмушини яхшилаш учун, тинчлик ва тараққиёт учун кураш йўлидан бошлаб боради.

Барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — Биринчи Май яқинлашиб қолганлиги муносабати блан Ижроия бюроси Биринчи Май мурожаатини қабул қилди. Жаҳон касаба союзлари федерацияси бу мурожаатида капиталистик ва мустамлака мамлакатларнинг меҳнаткашларини турмуш шароитини яхшилаш учун, меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун, ишчиларга, касаба союзларга қарши қаратилган қонунларни бекор қилиш учун ва жазо-қувғин чораларининг қурбонлари бўлган актив ишчиларнинг ҳаммасини тюрьмалардан озод қилиш учун курашни кучайтиришга чақирди.

Бу йилги Биринчи Май меҳнаткашларнинг бирлиги шиори остида ўтади ва ишчилар синфининг ўз ҳаётий ҳуқуқлари учун, эркинлик, тинчлик ва миллий мустақиллик учун кураши янада кучайганлигини намойиш қилади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

(«ПРАВДА»нинг 17 апрельдаги бошмақоласи).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН МУСОБАҚА

ИЛҒОРЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛИШ УЧУН

Охунбобоев номли колхоз камҳосилли, қолоқ колхозлардан ҳисобланади. Бу колхозга «Бирлашган» ва Охунбобоев номли колхозлар қўшилиб пахтачилик блан шуғулланабошлагандан кейин бирор йил ҳам пахта тайёрлаш планини бажаргани йўқ. Ўтган йилги план 64 процент адо этилди. Гектаридан 21 центнерга яқин ҳосил олинди. Айрим бригада ва звенолар жуда кам ҳосил етиштириб, планларини бажараолмадилар.

Колхоз хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам яхши йўлга қўйилмади, шоли ҳосили камайиб кетди, чорва плани бажарилмади.

Колхозчилар йиллик ҳисобот йиғилишида 1954 йилги вазифаларни жиддий муҳокама қилиб, пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш блан колхозни қолоқликдан чиқариш тадбирларини белгиладилар. Партиямиз Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан улуғвор программа белгилаб берди. Биз ана шу вазифаларни шараф блан бажариш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқдамиз. Механизация воситаси блан ер карталарни йириклаштирилди, ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланди, ерости сувларни қочириш учун янги коллекторлар очилди. Бу ишларнинг ҳаммаси МТС ва экскаватор станциясининг кучи блан бажарилди.

Биз партия ва ҳукуматимиз томонидан берилаётган катта ёрдамларга таяниб, ҳамма имкониятларни ҳисоблаб чиқиб 529 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик. Пахтачиликдаги ҳамма ишларни механизация кучи блан бажаришга кўчамиз. 500 гектар ерга квадрат шаклида уялаб чигит экамиз, ғўза парваришида механизациядан тўла фойдаланамиз.

Колхозимизда экин майдонини кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Бу йил 100 гектар тўқай ерни очиб, шоли ва сабзавот экинлари экамиз. Ҳозирданоқ эртаги сабзавот, картошка экиш планини бажардик. Чигит экиладиган майдон экишга тайёрланди. Қоратупроқ ерларда чигитни ўз намида ундириб олиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

1955 йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун гайрат блан курашамиз.

А. САЛОМОВ—Ўртасарой районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Киргизали АБДУЛЛАЕВ, Бургут ВОҲОБОВ—ҳосилот советининг раислари, Б. АБДУЛЛАЕВ—Ўртасарой 1-нчи МТСнинг шу колхоздаги агрономи.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг 6-нчи бригада бошлиғи ўртоқ **Анвар Эгамназаров.**

Корхона ва муассасалардаги навбатчилик тўғрисида

ВЦСПС секретариати корхона ва муассасалардаги навбатчилик тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда айтилишича, корхона ва муассасаларда иш куни тамом бўлганидан кейин ва тунги пайтларда ишчилар ҳамда хизматчиларни навбатчиликка жалб этиш каби нотўғри практика давом этмоқда. 12 ёшгача болалари бўлган оналарга, ҳомиладор аёлларга навбатчилик топширилади.

Навбатчиликка жалб этилган ходимлар нормал дам олаолмайдилар, уларнинг меҳнат қобилияти пасайиб кетади.

Ортиқча навбатчиликни тугатиш мақсадида ВЦСПС секретариати қуйидаги қарорни чиқарди: Корхоналар ва муассасаларда иш куни тамом бўлганидан кейин, дам олиш кунлари ва байрам кунларида ишчи ва хизматчилар айрим ҳоллардагина ва шу блан бирга фабрика, завод комитетлари, маҳаллий комитетларнинг розилиги блангина навбатчилик қилишлари мумкин; ходимларни бир ойда бир мартадан ортиқ навбатчи қилиш мумкин эмас.

Навбатчилик муддати ёки навбатчилик блан бирга қилинадиган ишлар муддати нормал иш кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги навбатчилик учун яқин 10 кун ичида худди шундай муддатга отгул берилади. (ТАСС).

Москвада украин адабиёти ва сан'ати кечаси

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги байрами Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлигини ёркин кўрсатучи намойишга айланмоқда. 15 апрельда Москвада, П. И. Чайковский номидаги давлат консерваториясининг Катта залида ўтказилган украин адабиёти ва сан'ати кечаси ана шу тарихий кунга бағишланди.

Кечада ҳозир бўлган кишилар Москвага меҳмон бўлиб келган украин ёзучилари ва артистларининг катта бир группасини гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар.

Кечани СССР Совет ёзучилари союзи правлениесининг секретари шоир А. Сурков очди.

— Украин адабиёти, — дейди Сурков, — Ватанимиздаги энг қудратли ва энг бой адабиётларнинг биридир. Украин адабиётининг тарихи И. Котляровский, улуғ шоир Т. Шевченко, Леса Украинка, Иван Франко, М. Коцюбинский, В. Стефаник каби шонли номлар блан машҳурдир. Совет ҳокимияти йилларида Украинада янги, социалистик адабиёт вужудга келди. Сурков прозаиклардан П. Панча, Ю. Яновский, шоир П. Тичина, М. Рильский, М. Бажан, А. Малишко, Л. Первомайский, драматурглардан А. Корнейчук, И. Кочергаларнинг номларини айтиб ўтади.

Сурков кириш нутқини меҳмонлар ша'нига самимий табрик сўзлари блан тамомлайди.

Украина ССР Совет ёзучилари союзи президиумининг раиси М. Бажан украин совет адабиёти тўғрисида доклад қилди.

— Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги байрами, — деди у, — Совет Иттифоқидаги барча халқлар оиласининг порлоқ миллий байрами бўлиб, халқларимиз ўртасидаги дўстликни, тащки ва ички душманларга қарши биргаликда олиб борилган курашда мустаҳкамланган дўстликни ёркин ифода этади.

Докладчи илғор украин адабиёти рус халқи маданияти блан маҳкам алоқа боғлаб, бу маданиятнинг самарали та'сири блан ривожланганлигини уқтириб ўтади. У, Совет Украинасининг партия томонидан тарбияланган ёзучилари ўсиб, бутун иттифоқдаги совет адабиётининг илғор отрядларидан бирига айланганлигини айтди.

Кечада А. Малишко, М. Исаковский, П. Козланюк, А. Безименский, Л. Дмитерко, Н. Рибак, М. Нагнибеда, П. Воронко, А. Корнейчук, Л. Ошанинлар нутқ сўзладилар. Дўстлик тўғрисида, Москва ҳақида, Ватан ҳақида, партия тўғрисида ҳарбир совет кишисининг дилига яқин бўлган сўзлар рус ва украин тилларида жаранглаб эшитилди.

Украина сан'ат мастерларининг концерти гоят муваффақиятли ўтди. Концертда СССР халқ артисти Б. Гмиря, Украина ССР халқ артисти П. Белинник, Украина ССРда хизмат кўрсаттан артистлардан З. Старченко, Т. Пономаренко, Л. Лобанова-Рогачёва, Н. Гончаренко, Е. Потапова, Н. Фокин, Н. Панасьев ва бошқалар қатнашдилар.

Концертда Харьков, Одесса ва Львов опера театрларининг артистларидан бир группаси ҳам қатнашди.

Украина ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Ф. Симеонов ва Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Я. Карасик дирижёрлик қилдилар. (ТАСС).

Ҳар гектар ерда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишига эришамиз

Пахтачиликдаги тажрибамиз шуни кўрсатдики, юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан бири чигитни барвақт экиб, бир текисда ундириб олишдир. Ҳарбир гектар ерда ғўза кўчатларининг нормал қалинликда бўлиши жуда муҳимдир.

Бу йилги кўклам вақтида намгарчиликнинг кўп бўлиши туфайли дала ишларини ўз вақтида ўтказишда бирмунча қийинчиликларни сабот блан енгишга тўғри келди. Бригадамиз а'золари катта майдонда чигит экиб, ҳар гектар ердан 48 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бригадамизга бириктилган участка уруғлик етиштириладиган майдондир. Шунинг учун дала ишларини агротехника талабларига мувофиқ, сифатли ўтказишга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Колхозимиздаги тажрибакор пахтакорлардан биринчи участка ҳосилот советининг раиси ўртоқ Зиё Холматов ва агроном ўртоқ И. Олиференко блан маслаҳатлашиб, ер майдонини чигит экишга ўз вақтида, сифатли тайёрлашга э'тибор бердик.

Бу йил чигитни кузда ва қиш фаслида шудгор қилиб қўйилган ерларга экдик. Экиш олдидан ҳарбир картани шароитига қараб бороналаб чиқилди, мола босилди. Егингарчилик натижасида ўтириб қолган ерлар чизелланиб сўнг мола босилди. Бу ишда Оржоникидзе МТСнинг ўртоқ Александр Беликов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари катта ёрдам бердилар. Дала ишларининг деярлик ҳаммаси механизация воситаси блан бажарилди.

Университетчи ўртоқ Ҳол Исломов тажрибали тракторчилардандир. У бизнинг далада 10—12 йиллик буёғи чигит экади. Бу йил ҳам йириклаштирилган карталарда у бошқараётган универсал унумли ишлади. Ҳар куни 13—14 гектар ерга чигит экди. Натижада бригадамиз 5 кун ичида ҳамма майдонга чигит экиб олди.

Эндиги вазифа — экилган чигитларни ердан текис ундириб олишдир. Бунинг учун ҳамма тадбирлар кўрилмоқда. Биринчи павбатда чигит экилган жойларда ғўзалар униб чиқабошлади. Бу йил ҳар гектар ерда нормал қалинликда ғўза туплари бўлишига ва унинг тўғри жойланишига алоҳида э'тибор бераётгирмиз. Шу кунларда бригадамиз а'золари карталарнинг четларига, ўқариқларга чигит экмоқдалар. Бундан ташқари, парникда ғўза кўчатларини тайёрлаб қўйдик. Яганалаш ва чопиқ даврида чигит ола чиққан қаторларга парникда етиштирилган ғўза кўчатларини ўтқазамиз.

Бригадамизда юқори ҳосилли звенолар чигит экиш ва уни ердан ундириб олишда мусобақа шартларини бажардилар. Ўртоқ Раҳим Каримбеков бошлиқ звено чигит экишни биринчи ўринда тамомлади. Тажрибакор пахтакор ўртоқ Каримбеков чигитни аввал офтобда қиздириб, ивитиб, сульфат аммоний блан ишлаб, сўнгра гексохлоран блан дорилаб экди. Бу тадбир ғўзаларни зараркунандалардан сақлаш ва турли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олишда жуда муҳимдир. Айниқса, бу йилги кўклам шароитида қишлоқ хўжалик зараркунандалари, касалликларнинг кўпайиш хавфи бор. Бу илғор звенонинг тажрибаси асосида бошқа звеноларда ҳам чигит экишда илғор методлар амалга оширилди.

Бригадамиз пахтакорлари 1953 йилда юқори ҳосил етиштириб, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу йил ҳам 1955 йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқини олиш учун ўзаро мусобақалашмоқдамиз. Ҳозир ҳамма звеноларда чигитни ердан текис ундириб олиш ва ҳар гектар ерда ғўза кўчатларининг нормал қалинликда бўлишига эришиш учун қизғин иш борётир. Бу йил 67 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганмиз. Биз чигит экишни тугаллаш блан, ишни тўхтатмай ғўза парваришига тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бригадамиздаги тажрибакор пахтакорлар чигит экилган майдонни текшириб туришгилар. Биз қатқалоққа қарши курашни намунали уюштирамиз. Бунинг учун ҳамма асбоб-ускуналар ва техника воситалари тахт қилиб қўйилган. Ҳамма майдонда чигитни ернинг табиий намида ундириб олишга эришамиз.

Социалистик мусобақада илғорликни қўлдан бермаслик учун кўкламги дала ишларини уюшқоқлик блан ўтказиб, ҳарбир пайкалда ғўза кўчатларининг нормал қалинликда бўлишига эришамиз.

Анвар ЭГАМНАЗАРОВ.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг 6-нчи бригада бошлиғи.

Озарбайжон совет ёзучиларининг с'езди

БОКУ, 16 апрель. (ТАСС). Кеча Озарбайжон совет ёзучиларининг иккинчи с'езди очилди. Бу с'езда прозаиклар, шоирлар, драматурглар, жамоатчилик вакиллари, шунингдек Москва, Украина Грузия, Арманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа қардош республикалардан меҳмон бўлиб келган ёзучилар қатнашмоқдалар.

С'ездни шоир Самед Вурғун очди.

Озарбайжон Совет ёзучилари союзи правлениесининг раиси Сулеймон Рагимов Озарбайжон совет адабиётининг аҳволи ва вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Ёзучиларнинг биринчи с'ездидан буён ўтган йигирма йил ичида Озарбайжон адабиёти катта муваффақиятларга эришди. Озарбайжон ёзучиларининг ижодиёти халқ ижодининг классик традицияларининг битмас-туганмас манба'ларидан илҳомланиб, рус классик адабиёти ва совет классик адабиётининг самарали та'сири остида юксалди.

Самед Вурғуннинг чуқур халқ поэзияси бизнинг мамлакатимизда ҳам, четэлларда ҳам тақдирга сазовор бўлди. Унинг «Йигирма олти», «Комсомол», «Муған» ва бошқа поэмалари Озарбайжон совет адабиётининг олтин фондидан жой олди. Озарбайжон совет поэзиясининг тўнғич шоирларидан бири Сулейман Рустамнинг асарларини халқ зўр муҳаббат блан ўқимоқда.

Шу йиллар ичида Мамед Рагим, Расул Ризо ва бошқа отоқли шоирлар бирқанча йирик асарлар яратдилар.

Озарбайжон прозасида ўттизинчи йиллар катта формадаги асарларнинг, я'ни граждан уруши ҳақидаги, совет ҳокимияти учун кураш тўғрисидаги, колхозчилик ҳаракати ҳақидаги роман ва повестларнинг яратилабошлаши блан характерлан, ди. Бадиий проза ҳозирги турмушдаги ва тарихдаги воқиаларни кенг суратда ёритмоқда. Мехти Гусейннинг Боку нефтьчилари тўғрисида ёзган «Апшерон» романи йигирма тилга таржима қилиб чиқарилди, Мирза Ибрагимовнинг «Пайти келиб қолар» романи ҳам кўп тилларда нашр этилди.

Докладчи Озарбайжон драматургияси, болалар адабиёти, танқид, таржимонлар блан ишлашнинг аҳволига батафсил тўхталиб ўтди.

Докладда айрим ёзучиларнинг бадиий маҳорати ҳали юксак даражага кўтарилмаганлиги, ҳақиқий турмуш бузиб тасвирланаётганлиги, конфликтсизлик назариясининг кўринишлари борлиги танқид қилинди. Драматургиянинг турмушдан орқада қолаётганлиги, болалар адабиётининг етарли даражада ривожлантирилмаганлиги, танқиднинг бўшлиги ҳам кўрсатилиб ўтилди.

Чигит униб чиқди

СИРДАР'Е, 17 апрель. (Телефон орқали олинди). Калинин қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг пахтакорлари кўклам-дала ишларини зўр уюшқоқлик блан ўтказиб, чигит экишга барвақт киришдилар. Колхоз бу йил 1 минг 150 гектар ерни сифатли шудгор қилиб, 16 апрельда чигит экишни районда биринчи бўлиб тамомлади. Колхознинг О. Соатов, О. Ҳасанов, Миразизов бошлиқ бўлган илғор бригадалари чигитни ҳаммадан олдин экиб бўлдилар. Ҳозир уларнинг участкаларида чигит биртекис униб чиқабошлади.

Колхозда ер ҳайдаш ва чигит экишда механизаторлар катта ёрдам кўрсатдилар. И. Бухоров, Цой Харитон ўртоқлар механик бўлган трактор бригадаларининг механизаторлари кўклам дала ишларида намуна кўрсатиб ишладилар. Бу трактор бригадалари чигитни тез ва сифатли экиб тамомладилар. Илғор универсалчилардан Шоаҳмедов, Каримов, Ўсмақулов ўртоқлар ҳар куни 16—18 гектардан ерга чигит экиб, яхши кўрсаткичларга эришдилар. Уларнинг ҳарбири мавсумда 180—200 гектардан ерга чигит экдилар.

Колхоз а'золари бу йил ҳарбир гектар ердан 38 центнердан пахта етиштириш учун ғўза парваришига катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхозчилар белгиланган пландан ташқари бу йил 120 гектар янги ерларни ўзлаштирдилар. Ҳозир бу янги ерларга чигит экилмоқда.

Орлов қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхози 17 апрельда 700 гектар ерга чигит экиб, экиш планини тўла бажарди. Колхознинг Жўшқин Маманов, Рўзигул Эрматова ўртоқлар бошлиқ бўлган илғор комсомол-ёшлар бригадалари чигитни ҳаммадан олдин экиб бўлдилар. Ҳозир уларнинг пахта майдонларида чигит биртекис униб чиқди. Бригада а'золари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун дастлабки ғўза парваришини қизитиб юбордилар.

Районнинг «Малик» совхозида ҳам кўклам-дала ишлари зўр уюшқоқлик блан олиб борилди. Совхоз ишчилари, механизаторлари 17 апрельда планда кўрсатилган 1 минг 500 гектар ерга чигитни сифатли экиб бўлдилар. Совхоз ишчилари пландан ташқари яна 300 гектар ерга чигит экиш ва ғўза парваришини бошлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Совхознинг 200 гектардан ортиқ пахта майдонларида чигит яхши униб чиқди.

Районнинг илғор колхозларида, шунингдек «Малик» совхозида Маҳолди социалистик мусобақаси кучайтирилиб, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма куч ва воситалар дала ишларига тўла-тўкис сафарбар қилинмоқда.

Э. РАҲМОНОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Н. А. Емельяновни Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Ўртоқ Н. А. Емельянов ижтимоий-сиёсий фаолиятининг эллик йиллиги муносабати блан ва унинг 1917 йилдаги пролетар революциясида кўрсатган хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Николай Александрович **Емельянов Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 16 апрель.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА (КОЛХОЗЛАР БЎЙИЧА) ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 17 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Сирдар'ё	61,8	6,3	Ўртасарой	31,2	8,0
Гулистон	55,3	7,2	Мирзачўл	30,4	3,6
Калинин	55,3	8,1	Бўка	30,0	6,8
Чиноз	54,2	6,0	Ўртачирчиқ	29,8	8,4
Оққўрғон	50,1	7,3	Пискент	21,9	5,6
Ховос	45,4	4,4	Юқоричирчиқ	19,8	7,2
Янгийўл	44,9	6,8	Оҳангарон	11,1	4,4
Оржоникидзе	41,9	10,6	Паркент	3,3	3,3
Октябрь	41,6	5,8			
Верхне-волинск	41,1	4,9	Область колхозлари бўйича	39,0	6,5
Бекобод	39,1	6,9			

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ҳаётни чуқур ўрганиш, ишга амалий раҳбарлик қилиш керак

Тошкент районн асосий сабзавотчилик районн ҳисобланади. Район колхозлари пойтахт аҳолисини картошка ва сабзавот маҳсулотлари блан та'минлашгина қолмай, балки сабзавот маҳсулотларини қайтадан ишлайдиган саноат корхоналарини ҳам хомаш'ё блан та'минлашлари керак. Бироқ, бу район кўпдан бери сабзавот етиштириш давлат планини бажармай келади. Бунга асосий сабаб шуки, ҳар йили кўкламги экиш ишлари чўзилиб кетади, экинни парвариш қилиш ишлари агротехника талабларига мувофиқ юқори сифатли ўтказилмай келади.

Бу йил районда картошка ва сабзавот етиштиришда кескин бурилиш йили бўлиши керак. Бу эса колхозларда партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш тўғрисидаги партия ва ҳукумат қарорларини колхозчилар ва механизаторларга кенг тушунтиришни талаб қилади.

Колхозчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни йўлга қўйишда МТС зонаси бўйича райком секретари ва инструкторлар катта роль ўйнашлари керак. Улар бошланғич партия ташкилотларининг ишига бевосита ёрдам бериб, колхоз далаларида агитация-пропаганда ишларини кучайтиришлари лозим.

Бироқ, Тошкент район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретари Ўртоқ И. Срибний ўз зиммасига юклатилган шарафли вазифани яхши бажармаётир. Унинг райком секретарьлигига сайланганига тўрт ой бўлди. Аммо у ҳалигача МТСдан 20 километр узоқда, шаҳарда яшамоқда. Бу ҳол Ўртоқ Срибнийга колхозлардаги ҳаётни чуқур ўрганишга ва оператив раҳбарлик қилишга имкон бермаётир. Биргина Ўртоқ Срибний эмас, балки МТС ходимларининг кўпчилиги шаҳарда яшаб, қатнаб ишламоқдалар. Иш вақти тугаши блан улар ҳеч нарсага қарамай шаҳарга жўнаб кетиш ҳаракатига тушадилар.

Ленин қишлоқ советидаги Каганович номли колхозда партиявий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилмаганидан меҳнат интизоми ҳаддан ташқари бўшашиб кетган. Колхозда эртаги сабзавот экишга пухта тайёргарлик кўрилмаган ва шунинг натижасида картошка ҳамда сабзавот экиш плани эндигина 46,2 процент бажарилган. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Айдаров колхоз правлениесининг иш фаолиятини етарли контроль қилмайди. Бу колхозда Ўртоқ Срибний бирнеча марта бўлди, у юз берган камчиликларнинг ҳаммасидан хабардор. Колхоз правлениесига ёрдам бериш учун бу ерга бир группа ходимларни ҳам юборди, лекин келган инструкторлар иш блан чала-чулма танишдилар, аммо амалий иш қилмадилар. Ўртоқ Срибний бу колхозда жиддий аҳвол юз бергани ҳақида район партия комитетининг бюросига ахборот берди. Колхоз ишини яхшилаш мақсадида умумий йиғилиш ҳам ўтказилди. Лекин йиғилишга фақат 192 кишн қатнашиб, бунда танқид ва ўз-ўзини танқид қизитиб юборилмаганлиги учун камчиликлар очиб ташланмади. Шунинг натижасида колхоз ишида ҳеҳандай ўзгариш бўлмади.

Ўртоқ Срибний яқиндаги Ленин, Ворошилов қишлоқ советларидаги колхозларга тез-тез бориб туради. Лекин Бешариқ, Жўнариқ қишлоқ советларидаги камқувват колхозларда камдан-кам бўлади. Колхозларнинг иши блан чуқур танишиб, уларга ҳар тарафлама ёрдам беришга ҳаракат қилмайди. МТСдан анча узоқ бўлган Жданов номли ва Маленков номли колхозларга уч ой мобайнида бир мартагина борганлиги кишини таажжублантиради. Ҳолбуки, бу колхозларда ҳалигача оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган эмас, далада агитаторлар кўринмайди.

Колхоз бошланғич партия ташкилотларигина эмас, балки МТС бошланғич партия ташкилоти ҳам партиявий-сиёсий ва агитация-пропаганда ишларини қизитиб юборган эмас. МТС партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Рузиев катта иш план тузиб, бирқанча муҳим тадбирларни амалга оширишни мўлжаллаган. Аммо планда кўрсатилган тадбирларнинг кўпи бажарилмай келаётир. Трактор бригадалари ўртасида социалистик мусобақа шартномалари тузилмаган, кимнинг қанча мажбурият олганлиги ҳали ҳам аниқ эмас. Ўртоқ Срибний МТС партия ташкилотига бўш раҳбарлик қилмоқда. У, зонага келгандан бери колхоз бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари блан бир марта семинар ўтказиб, МТС ходимлари учун бир марта лекция ўқиди, холос.

Далада ишлаётган тракторчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар қизитиб юборилган эмас.

Колхозларда картошка ва сабзавот етиштириш планларини муваффақиятли бажариш учун коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш керак. Лекин бу масалага кам э'тибор берилмоқда. Масалан, Ленин қишлоқ советидаги Ленин номли колхоз коммунистларидан фақат 2 киши ишлабчиқаришда қатнашмоқда.

Бу колхоз партия ташкилоти ёрдамга муҳтож. Бироқ, район партия комитетининг колхозга беркитилган инструктори Ўртоқ Низомов бошланғич партия ташкилотининг ишини яхшилашга амалий ёрдам бермаётир.

Колхозларга оператив раҳбарлик қилиш, колхозчилар, механизаторлар ва мутахассисларнинг ғайрат ва ташаббусига бошчилик қилиш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Бироқ, Тошкент район партия комитетининг I МТС зонаси бўйича секретари Ўртоқ Срибний ва райком инструкторлари Низомов, Шоносиров ўртоқларнинг иш фолияти ҳамон «ташкилий давр»дан нарига ўтгани йўқ. Улар янги шаронтда колхозларга оператив раҳбарлик қилишни та'миламаётирлар. Шунинг учун ҳам колхозларда кўкламги дала ишлари уюшқоқлик блан ўтказилмаётир. МТС зонасидаги колхозлар эртаги сабзавот экиш планини 73 процент, картошка экиш планини эса эндигина 38 ярим процент бажардилар. Вақт ўтмоқда, экиш кечикмоқда. Бу ҳол картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни жиддий хавф остида қолдирмоқда.

К. БАРАТОВ.

Хотин-қизлар активлигини оширайлик

Оҳангарон районидаги Каганович номли колхоз партия ташкилоти хотин-қизлар ўртасида оммавий-тарбиявий ишларни яхшилашга катта аҳамият бераётир.

Партия ташкилотининг хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг кучайтириши туфайли аёллар жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар, колхоз ишлабчиқаришининг барча соҳаларида эрлар блан баравар ишлямоқдалар. Ҳозир колхозда 475 хотин-қиз ишламоқда. Жамоатчи аёл Нишоной Ўролова ўтган йили 12 сигирдан 800 ўрнига 1300 литрдан сут согиб олди. У, бу йил ҳарбир сигирдан 1500 литрдан сут согиб олиш учун сигирларни яхши парвариш қилаётир. Фотима Жуманова, Жумагул Нўлдошева каби жамоатчи аёллар колхоз хўжалигини мустаҳкамлашда актив қатнашмоқда.

Бошланғич партия ташкилоти илғор хотин-қизларни КПСС сафига ҳам қабул қилмоқда. Яқинда бўлган партия йиғилишида Мар'ямхон Нурмуҳамедовага ўхшаш актив жамоатчи, ишчан хотин-қизлардан бирнечасини партия кандидатлигига қабул қилинди.

Колхоз ишлабчиқаришида ўнлаб актив, ташкилотчи хотин-қизлар етишиб чиқмоқда ва улар дадиллик блан раҳбарлик ўринларига кўтарилмоқда. Оддий колхозчи, коммунист Олтиной Тўққизбоева эндиликда Сталин номли қишлоқ советининг раиси бўлиб, Мар'ям Ҳайитқулова қўшни Охунбобоев номли колхознинг раислиги вазифасида ишламоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти хотин-қизлар ўртасида ишларни яхшилаб уларнинг колхоз ишлабчиқаришининг актив ташкилотчилари қилиб тарбияламоқда.

А. НАБИЕВ.

Суратда: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси, академиянинг вице-президенти профессор С. Ю. Юнусов (ўнгда) ўз аспиранти блан алколлоид химия лабораториясида иш устида.

В. Лейн ва Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Янги кино-журнал

Партия ва ҳукуматимизнинг қўриқ ва бўз ерларни яппаб турган экинзор, пахтазор ва боғ-бўстонларга айлантириш ҳақидаги чақириғи мамлакатимизнинг ватанпарвар комсомол-ёшлари томонидан катта шодлик ва зўр уюшқоқлик блан кутиб олинди. Худди шунингдек Тошкент областининг комсомол-ёшлари ҳам бу чақириқни зўр уюшқоқлик ва ташаббускорлик блан кутиб олдилар. Тошкент бадиий ва ҳужжатли фильмлар киностудияси яқинда ўзининг навбатдаги 13-нчи сонли кино-журналини ишлаб чиқарди. Ҳозир бу картина ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиниб, республикамизнинг область ва районларига юборилди.

Картинанинг биринчи кўринишлари Тошкент комсомолларининг бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш учун Шимолий Қозоғистонга жўнаб кетаётганликларига бағишланади.

Мана, Тошкент вокзалининг умумий кўриниши. Бу ерга бугун комсомол путёвкаси блан янги, шонли сафарга, меҳнат фронтига, қақир даштлар ва биёбонларни боғ-бўстонларга айлантириш учун кетаётган қиз ва йигитларни кузатишга пойтахт олий ўқув юртларининг студентлари, Тошкент корхоналарининг инженер-техниклари ва хизматчилари, шунингдек сафарга жўнаб кетаётган ёшларнинг қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари тўпланганлар. Вокзалнинг кенг саҳнида тантанали митинг бўлди. Митингда Шимолий Қозоғистонга жўнаётган ёшлардан слесарь Виктор Варфоломеев ва газосваршик Тожиддин Асқаров ўртоқлар сўзладилар. Ўртоқ Асқаров ўз сўзида мана бундай деди:

— Биз ленинчи комсомоллар ва бутун совет ёшлари улуғ Ватанимизнинг шон-шуҳратини ва унинг қудрати ҳамда бойлигини ошириш учун ўзимизнинг куч ва ғайратимизни сра аямаймиз. Партиямизнинг бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасидаги чақиригини жон-дилдан бажарамиз. Асрлардан бери экин экилмай, ташландиқ бўлиб ётган қақир дашту биёбонларни обод қилиш халқимизнинг гуллаб-яшнаётган турмушини мустаҳкамлайди ва уни янада ҳамма ишларда юксакликларга кўтаради.

Шунингдек, кино-журналда ўзбек совет адабиётининг отоқли арбоби, биринчи совет ёзучиси, шоир, драматург, композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ душманлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилганлигига 25 йил тўлиши муносабати блан Ҳамза номли театрда шоирнинг хотирасига бағишланган умумишаҳар йиғилиши суратга олинган. Бу журналда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси Ю. Султонов доклад қилганлиги, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ўртоқ М. Кузнецованинг шоир хотирасига бағишлаб сўзлаётгани, шунингдек шоирнинг ижоди йўли тўғрисидаги виставкалар тасвирлаб берилади.

А. ПЎЛАТ.

АШУЛА БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ХОР КОЛЛЕКТИВИ

«Чирчиксельмаш» заводи ўзининг яхши хор коллективи ҳамда бадиий ҳаваскорлар тўгараги блан фахрланади.

Ўтган йили шаҳар саноат корхоналари бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг кўригида ва Ашула байрамида «Чирчиксельмаш» ҳаваскорлари биринчи ўринни эгаллаган эдилар. Хор коллективи шу кунларда «Совет Иттифоқи Давлат Гимни», «Ўзбекистон ССР Давлат Гимни», «Партия — бизнинг раҳбаримиз» ва «Жаҳон Демократик ёшлар Гимни» каби қўшиқларни қунт блан ўрганмоқда. Ҳар ҳафтада икки марта бўладиган техникага оид кино-фильмлар олдида хор тўтарагининг машғулоти бўлади.

«Чирчиксельмаш» коллективи Ашула байрамига яхши тайёргарлик кўрмоқда.

Х. ШОКИРОВ,
В. СКОРОДУМОВ.

Қишлоқ ҳаваскорлар тўгарагида

Сирдар'ё районининг колхоз, совхоз ва мактабларидаги ҳаваскорлик тўгаракларида Ашула байрамини муваффақиятли кутиб олиш учун «Совет Иттифоқи Давлат Гимни», «Ўзбекистон ССР Давлат Гимни», «Жаҳон Демократик ёшлар Гимни» каби ашулалар ўрганилмоқда.

Райондаги 7-нчи ўрта мактабда 50 ўқучидан иборат бадиий ҳаваскорлар тўгараги ўқитучи Жалолов раҳбарлигида композиторлардан С. Юдаковнинг «Теримчилар қўшиғи», Блантернинг «Ёшлар ҳақида қўшиқ» ва бошқа ашулаларни ўрганаётирлар.

Э. РАҲМОНОВ.

ФЕЛЬЕТОН

БИРИ БОҒДАН-БИРИ ТОҒДАН...

Бир бор экан, бир йўқ экан, Тошкент шаҳарида бир таржимон бор экан. У таржимоннинг доврути Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги пропаганда Бош бошқармасининг бўлим мудири Ўртоқ Гафтга етиб бориб, уни беҳад қувонтирган экан. Ўртоқ Гафт у таржимонни топдириб, ўз кабинетига таклиф қилипти. Таржимон министрлик биносининг учинчи қаватидаги 53-нчи уйда пайдо бўлипти. Гафт хурсанд бўлганидан:

— Қани, марҳамат қиленнлар, ҳурматли таржимон, — деб пешвоз чиқипти. Сўнг унинг қўлига бир муҳим ҳужжатни қисқа муддат ичида ўзбек тилига таржима қилиб берсалар, деб сўрапти; мукофоти учун катта ҳақ тўлашни ва'да қилипти.

Таржимон мағрурланиб:

— Хотиржам бўлсинлар, ишончларини оқлайман, мен таржима қилдимми бас, боплайман, ҳамма иш жойида бўлади, — депти.

Таржимон бутун ижодини ишга солипти. Чорвачилик соҳасида ортдирган илҳом тажрибаси булоқдек қайнаб кетипти. Гафтга ма'қул қиламан, деб янги сўзлар топишга ва'да берипти. Хулласи калом аҳду-қарор бундай бўлипти: СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 1954 йил 5 январьда чиқарган 4-нчи сонли буйруғининг русча тексти столга қўйилипти. Таржимон С. Самиқов енг шимариб, қалам тебратиб бу китобчани ўзбек тилига кўчирабошлапти. Таржимон эртаси куни Гафт ҳузурига келипти. Буйруқ-китобча кўп нусхада нашр қилинипти, фойдаланиш учун колхоз ва МТСларга юборилипти ҳам.

Эҳтимол сиз нима бўпти, дерсиз. Самиқовнинг «ишончларини оқлайман» деган сўзи рост бўлганида эди, биз ҳам унга ҳеч нарса демасдик. Самиқов ишни «боплапти», қалам тебратиб муҳим ҳужжатни ўзидан бошқа ҳечким тушунмайдиган тарзда бузиб таржима қилипти.

Ўзбек тилида «чўпон» деб қўй-эчки боқарларни айтарди. Самиқов отбоқар, молбоқар, йилқибоқарни ҳам «чўпон» деб, «меҳнат кўни ҳисобланади» иборатсини «қўшимча меҳнат ҳақи ҳисобланади» деб таржима қилган. Таржимон меҳнат ҳақи блан қўшимча меҳнат ҳақи ўртасидаги катта фарқни ажратмаганини айтмайсизми.

Буйруқнинг биринчи бўлимидаги «К» пункти нотўғри таржима қилинган. У рус текстидаги ма'нони бермайди. Қўйчилик фермаси қисмидаги «А» пунктида: «... Майин жунли ва ярим дагал жунли» сўзлар ўрнига илҳом бойлиги ошиб кетган таржимон: «Ингичка сочли, тукли ва дагалроқ тукли»(?!) деб ёзиб юбораверипти. Ўзбек тилидан ибтидоий тушунчаси бўлган киши қўйларда соч, тук эмас, жун бўлишини яхши билади-ку! Ажабо, бу қандай ижод-у, қандай янгилик. Ҳатто «имконияти бўлмаган колхозларда» сўзини «... Яратолмаган» дейилган. 9-нчи бетдаги урғочи қўзини «Она қўзилар», «Ахта қўйлар» сўзини «Ахта қўчқор» (?!) деб ёзиш кулгидан бошқа нарса эмас.

Таржимоннинг яна бир ижодига қойил қолинг: С. Самиқов паррандани перо блан қушга айлантириб осмонга учирипти. 1 — 2 — 3 ойлик жўжаларни «... 2 ёшга кирган жўжалар, 3 ёшга кирган жўжалар...»га айлантирипти.

Таржимоннинг рангба-ранг «ижоди» ҳақидаги та'рифни шу ерда тўхтатақолайлик. Агар ҳаммасини бир-бир айтадиган бўлсак кулабериб, ичагингиз узулади. Китобчада хатолар сон-саноқсиз. Бири боғдан-бири тоғдан олинган ибораларни таржимондан бошқа ҳечким тушунмайди.

Таржимоннинг чорвачиликдан элементар тушунчаси-ку йўқ экан, нега бу мас'улиятли иш унга топширилипти! Хўш, партия ва ҳукуматимизнинг чорвачиликни ривожлантиришда, колхозчиларни рағбатлантиришда жуда муҳим роль ўйнайдиган бу ҳужжатини тутруқсиз сўзлар йиғиндиси қилиб нашр этишга Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг пропаганда Бош бошқармаси нега бефарқ қарайди! Бу ҳол ягона эмас. Бундай нотўғри, пала-партиш таржима қилинган китоб ва ҳужжатларнинг авлод-аждодларини министрликдан истаганча топаласиз. Бу нарса бизни ажаблантирмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Редакция почтасидан

Хилватдаги чайная

Пушкин номли маданият ва истироҳат боғининг ўнг бурчагида пасқамгина оқ уй бор. Бу ерда Октябрь район ошхона ва ресторанлар трестига қарашли 1-нчи чайная жойлашган. Унинг пештоқида ҳеҳқандай вивеска йўқ. Бунга ажабланилмаса ҳам бўлади. Негаки, бу ер ҳар куни келиб ўрганиб қолган бир тўда хўрандалар блан доимо лиқ тўла бўлади. Шунинг учун вивесканинг ҳам ҳожати қолмаган.

Чайнаяга кириб ўтиришингиз блан дарҳол стол устидаги меньюга кўзингиз тушади. Шу лайт официантқалардан Фира Тимирман ёки Соня Берновская олдингизга келади-да:

— Нима истайсиз? — деб сўрайди.

— Лагмон.

— Лагмонимиз тамом бўлувди-я.

— Ундай бўлса, мастава берақолинг.

— У ҳам тамом бўлувди.

— Бефстрогоновчи?

— Бугун бефстрогонов тайёрлаганимиз йўқ.

— Бўлмаса, нега меньюга киритилди?

— ...

Чайнаяда ҳамавақт аҳвол ана шундай. Бу ерга «доимий мижоз» бўлиб қолган хўрандаларнинг овқат блан иши йўқ, уларга «оқ дори» бўлса бас. Тайёрланган овқатлар эса мазасиз бўлади. Масалан, 3 сўмлик рагуда 75 грамм гўшт ва 225 грамм бошқа масаллуқлар бўлиши керак. Лекин сизга олиб келинган рагуда суяк аралаш 2 жез гўштни кўрасиз, у 25 граммдан ортмайди. 75 тийиннлик биляшнни официантқалар 90 тийинга ўтказишади, Фира Тимирман эса, турли ноз-карашма блан индамай бир сўмингизни ҳам олиб қолаберади. Буфетчи Марк Дрикер 80 граммлик ичимликни стаканда ўлчаб 100 грамм ўтказади. Чайнаяда санитария қоидасига э'тибор берилмайди. Клиентлар кулдон йўқлигидан чекилган папиросни полга ташлайдилар, дастурхонлар кир бўлиб кетса ҳам алмаштирилмайди. Залдаги бадҳўр тутундан иштаҳангиз хиппа бўгилади.

Чайнаяда бундай тартибсизликнинг давом этишига чайная директори Н. Низомов ва зал мудири М. Мартиненко ўртоқлар сабабчидир. Чунки улар кўпинча ишга келмайдилар, раҳбарликни буфетчи Дрикерга ташлаб қўйганлар. Дрикер эса ҳар 100 граммдан 20 граммини «уриб» қолиш блан овора.

М. ИКРОМОВ.

Район кутубхонасининг иши яхшилансин

Ўртачирчиқ район кутубхонаси 13 мингга яқин китоб фондига эга бўлиб, унинг 600 дан ортиқ доимий китобхонлари бор.

Бироқ кутубхона биноси китобхонларнинг ўсиб бораётган талабига мутлақо жавоб бермайди. Район маданият уйининг иккита кичик хонасига жойлашган бу кутубхонада китобларни қўйиш учун полкалар етишмайди. Китоб, газета ва журналлар эса қарер-қарерга уюб қўйилган. Бу ҳол ўқувчиларнинг истаган китобларни ўз вақтида ва осонликча талаб қилиб олишларини қийинлаштирмоқда. Кутубхонанинг ўқув залида стол, стуллар етарли бўлмаганидан, китобхонлар газета ва журналларни кўп вақт тикка туриб ўқишга мажбур бўлмоқдалар.

Район маданият бўлимининг ходимлари (мудири Ўртоқ Назарбеков)ни кутубхонадаги бу аҳволдан хабарсиз деб бўлмайди, албатта. Шундай бўлгани ҳолда улар кутубхонани бино блан та'минлаш ва уни меҳнаткашларга хизмат кўрсатадиган намунали қилиб келтириш тадбирларини кўрмаётирлар.

М. МАНСУРОВ.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

Бошқа планеталарда ҳаёт борми?

Газетхонлардан Ю. Мирахмедов (Чиноз), У. Толипов (Верхне-волинск) ва С. Каримбердиева (Тошкент) ўртоқлар редакциямизга хат ёзиб, бошқа планеталарда ҳам ҳаёт бўлиши мумкинми, деб сўраганлар. Биз тубанда бу ўртоқларнинг саволларига жавоб берамиз.

☆

Одамлар жуда қадим замонлардаёқ осмонда аста-секин ўз ўрнини олмоштириб боручи қўплаб ёруғ юлдузларни кузатар эдилар. Қўёш атрофида худди Еримиз сингари ҳаракат қилаётган планеталарни кўрар эдилар. Ўша осмон жисмларида жонли организмлар яшармикан? Уларда ўсимлик ва ҳайвонлар бормикан? — деган фикрлар туғилар эди. Бу саволлар ҳаммавақт инсониятни қизиқтириб келди.

Бундан юз йилча илгари, планеталарда қандай физик шароитлар мавжудлигини ҳали астрономия аниқлаб бераолмаган даврда, планеталарда ҳаётнинг бор, йўқлиги ҳақида озми-кўпми ҳақиқатга яқин бўлган тахминлар қилинар эди, холос. Аммо ўша вақтлардаёқ ўз даврининг кўплаб илғор кишилари Ер ва одам бутун Оламда қандайдир алоҳида, ўзига хос хусусиятга эга эмас, бошқа планеталарда ҳам ҳаёт бўлиши мумкин деган хулосага келдилар.

Италия мутафаккири Джордано Бруно (1548-1600 йиллар) «Чексизлик, коинот ва оламлар ҳақида» деган асарида ҳаёт мавжуд бўлган дун'ёларнинг кўплиги ҳақидаги та'лимотини аниқ тушунтирди.

Рус олими М. В. Ломоносовнинг бу соҳадаги илмий хулосалари катта аҳамиятга эга бўлди. У, планеталарнинг Ер блан бирхил физик табиатини биринчи бўлиб аниқлади. Бошқа планеталарда ҳаётнинг борлиги ёки йўқлиги масаласини тўғри ҳал қилишда ватанимиз олимлари кўп иш қилдилар.

Ҳозирги замон илғор фани Ердаги нарсаларнинг осмондаги нарсалардан бутунлай фарқ қилиши ҳақидаги ҳархил диний фикрларни узил-кесил рад этди, планеталарда жонли мавжудотларнинг бўлиши мумкинлигини исбот қилди. Энди биз яшаш учун зарур бўлган шароитлар мавжуд ҳамма жойда ҳаётнинг ривожланиши мумкинлигини аниқ биламиз. Бу шароитлар эса, жумладан, унчалик юқори ва унча паст бўлмаган температура, сувнинг бўлиши ҳисобланади (сувсиз ҳаёт бўлмайди, албатта). Бундан ташқари органик ҳаётнинг юқори ривожланган формалари учун кислород керак.

Бутун тирик организмларнинг асоси оқсилдир. Ер юзида миллион йил илгари вужудга келган бу модда бутун хилма-хил тирик мавжудотларнинг келиб чиқишига асос бўлди. Аммо химиявий элементлардан жонли оқсилнинг пайдо бўлиши учун ҳам ма'лум шароитларнинг бўлиши талаб қилинади. Агар шу шароитлар у ёки бу планетада мавжуд бўлса, демак у ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Қуёш системасидаги планеталар бирбиридан катта фарқ қилади. Булардан қуёшга яқин турган тўртта планеталар — Меркурий, Венера, Ер ва Марсни кўриб ўтайлик. Булардан каттаси Ер ҳисобланади. Қуёшга энг яқин турган Меркурий планетаси ўз ҳажми жиҳатидан Ердан 15 марта кичиқдир. Меркурий Қуёшга яқин бўлганлиги сабабли доимо Қуёшнинг нурлари ичида туради. Унинг атмосфераси анча сийрак бўлиб, бу атмосфераларнинг зичлиги Ойдаги атмосферага яқин туради.

Меркурий Қуёшга қараган томонидаги ҳарорат Цельсия бўйича 417 даражага етади (бундай температурада қўрғошин эрийди, сув эса, фақат буғ ҳолатда туриши мумкин). Бу планетанинг тескари томонида (Қуёшга тескари томони) температура нульдан 150 даражагача пасаяди. Бундай юқори температурага ва сувнинг йўқлигига жонли ҳужайра албатта бардош бераолмайди. Буларнинг ҳаммаси Меркурийда жонли мавжудотларнинг бўлиши деярлик мумкин эмаслигини кўрсатади. Бу планетада атмосферанинг қарийб бутунлай йўқлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Венера планетаси қуюқ атмосфера блан қопланган. Қуёш диски олдидан ўтган вақтда бу атмосферанинг борлигини 1761 йилда рус халқининг улуғ фарзанди М. В. Ломоносов пайқаган эди. Венера атмосферасида сузиб юручи қуюқ булутлар Қуёш нурларини жуда кучли акс этдиради. Шунинг учун бу булутлар ўзининг гоят ёрқин бўлиши блан ажралиб туради, бу ҳол уни оқ доғ ҳолатида кундузи ҳам кўриш имкониятини беради. Бироқ Венеранинг бу қуюқ қатлами унинг қаттиқ юзасини биздан бутунлай яшириб туради.

Олимлар томонидан ўтказилган спектраль анализ Венеранинг булутли қатлами устида эркин кислород ҳам, сув буғи ҳам йўқлигини, Венеранинг булутли қатлами устида углекислота қатлами ётганлигини аниқлади. Бу планетада сув ва кислород борми? Буни айтиш қийин.

Харьков давлат университетининг Астрономик обсерваториясида ўтказилган кузатишлар Венера атмосфераси Ер никидан тиғизроқ ва таркибий жиҳатдан ҳам ундан анча фарқ қилишини кўрсатиб берди. Венеранинг булутлари сарғиш чангдан иборат бўлса керак. Кислород ва сув буғи, демак сув ҳавзалари ҳам бизнинг назаримиздан яширингандир.

Айрим олимлар, Венера атмосферасида кўп миқдорда углекислотанинг бўлиши Венерада органик ҳаёт йўқлигидан ва ҳеҳқачон бўлмаганлигидан далолат беради, деб ҳисоблайдилар. Аммо бу нотўғри фикрдир. Венерада ҳаёт ердагига қараганда бирмунча кейинроқ вужудга келган бўлиши мумкин; шунинг учун у ерда ўсган ўсимликлар атмосферадаги углекислотани етарли миқдорда ўзига сингдираолмаган ва кислородни сезиларли миқдорда ажратаолмаган бўлиши мумкин. Қачондир (жуда қадим замонларда) Ерда бўлган шароитлар Венерада ҳозир мавжуддир. Ердаги бу шароитлар эса, дастлабки оддий органик мавжудотларнинг пайдо бўлишига замин тайёрлаган эди. Шундай қилиб, Венерада ҳаёт энди пайдо бўлмоқда ёки ҳаёт аллақачон пайдо бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Аммо, у ерда жонли мавжудотлар бўлса, ҳам, уларнинг Ердаги мавжудотлардан қат'ий фарқ қилиши турган гап.

Астрономлар диққатини айниқса Марс планетаси ўзига жалб қилиб келди. Марс ҳажми жиҳатидан Ердан олти марта кичиқдир. Шу блан бирга у кўп жиҳатдан Ерга анча ўхшайди. Бу планетада сутка 24 соат 37 минут 22.58 секунд давом этади. Марснинг шимолий ва жанубий қутбларида қор ва муздан иборат бўлган оқ қутб шапкаларнинг борлиги аниқланган. Улар қишда катталашади ва ёзда кичиклашади. Марснинг текис, майда саҳро чанглари блан қопланган қизғиш сатҳида «денгизлар» деб аталучи қора доғлар кўринади. Кенг ботқоқлик ёки нам ерларга ўхшаб кўринган бу «денгизлар»да сув жуда оздир.

Марснинг атмосфераси Ерникига қараганда бирмунча сийракдир. Бу атмосфера тахминан Ер устидан 10—12 километр юқорилиқдаги ҳаво қатламининг зичлигига тўғри келади. Текширишлар Марс атмосферасида Ер атмосферасидагига нисбатан бир процентга яқин кислород борлигини кўрсатди. У ердаги сув буғлари Ер атмосферасидаги бутун сув буғлари миқдорининг 5 процентидан кўп эмас. Марс атмосферасининг гоят тиниқ бўлиши туфайли Марснинг сатҳида рўй берадиган кўп ҳодисаларни кузатиш мумкин. Астрономлар, шу жумладан шу мақоланинг автори ҳам планетанинг устида сузиб юручи айрим булутлар борлигини, ёғингарчилик бўлиб туришини кузатганлар. Булар Марс тупроғининг ма'лум қисмида билинарли даражада қоронғулик ва ёруғлик ҳосил қиладилар.

Марс атмосферасида унинг саҳроли жойларида шамол томонидан кўтарилучи гоят катта сарғиш ранг булутлари борлиги кузатилади. Бу булутлар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб, ба'зан Марс юзасининг анча қисмини қоплаб олади.

Совет астрономлари, жумладан Г. А. Тихов ва шу мақоланинг автори Марснинг ба'зи қисмларидаги қора доғлар — «денгизлар»да аниқ ифодаланган яшилқўкимтил тусларни кўрганлар. Шунисқизиқки, бу ранглар ўзгариб туради. Марснинг ҳарбир яримшарида ернинг икки йили (Марсда бир йил 687 Ер суткасига баравар) мобайнида бир марта мунтазам келадиган баҳор фаслида бу доғлар яшил тусга киради, ёзда эса буларнинг кўпчилиги сарғаяди ва охири бориб, кулранг бўлиб қолади. Ба'зи доғлар кузда ҳам, қишда ҳам яшил бўлиб қолади. Бу, Марсда кузда сарғаядиган ўсимликлар, биздаги игнали дарахтларга ўхшаш доимий яшил турадиган ўсимликлар борлиги ҳақидаги фикрни туғдиради.

Марсда ёз пайтларида температура айрим жойларда 34 даража иссиқликка етади. Умуман бу планетадаги мавжуд шароитлар Ердаги шароитлардан кескин фарқ қилади. У ердаги шароит ҳаёт учун анча оғир ва жуда қулай бўлмаса ҳам, лекин Марсда ҳаётнинг бўлиши ҳам мумкин. Ма'лумки, Ердаги энг қаттиқ совуқлар ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётини тухтатаолмайди. Совуқлиги 60 даражага чиқадиган Ер шарининг энг совуқ областьлари — Верхоянск ва Якутскда хилма-хил ва кўплаб ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар дун'ёси яшайди. Масалан, Сибирьнинг шимолий районларида, Янги Ерда ва Гренландиянинг жанубий қисмида 300 га яқин гулли ўсимликлар борлиги аниқланди.

1877 йилда биринчи марта Марсда «каналлар» борлига аниқланган эди. Бу «каналлар» сариғ саҳролар орқали ўтадиган ва денгизлар, кўллар, водилардан иборат қора доғларни ўзаро бирлаштиручи тор, узун чизиқлардир. Айрим олимлар бу каналлар Марс аҳолиси томонидан сувсиз ерларни суғориш учун қазилган деб ҳисоблайдилар. Марсдаги бу қора чизиқларнинг борлиги фото с'емка блан ҳам тасдиқланади. Уларнинг табиати ҳали тўла аниқланган эмас. Балки булар Марс қобиғи ўстида табиий ўзгаришлар натижасида пайдо бўлган чуқурлик ва ёриқлардир.

Марсдаги ҳаёт қандай бўлиши мумкин? Бунга бундай жавоб берса бўлади. Ердаги одамлар юқори баландликларга чиқиш вақтида учучилар томонидан фойдаланиладиган махсус нафас олиш асбобларисиз у ерда яшайолмас эдилар. Аммо бундан, Марсда ҳаёт йўқ деган хулоса келиб чиқмайди. Кўп кузатишлар натижасида Марсда ўсимликлар борлиги аниқланди. Бундан ташқари, Марсдаги ҳаёт шундай хилма-хил, тирик организмлар эса шундай катта мувофиқлашиш қобилиятига эгадирларки, унда балки Ердаги организмларга ўхшаш бўлмаган қандайдир бошқача жонли мавжудотлар яшаётгандир.

Қуёш системасининг бошқа планеталарида, шунингдек Ойда ҳам яшаш учун шароит мавжуд эмас, шунинг учун бу ерда жонли мавжудотларнинг борлигини тасаввур қилиш қийин.

Ойдин кечаларда бизнинг тепамизда юз минглаб ёруғ нуқта-юлдузлар порлайди ва учқунланиб туради. Ҳарбир юлдуз гоят катта, порлаб турган ва биздан жуда узоқ бўлган Қуёшлардир.

Бизнинг Қуёш системамиз олам бўшлигида ёлғиз эмас. Жуда кўплаб юлдузлар — бошқа планета системалари учун қуёш ҳисобланади. Бундай планеталарнинг ба'зиларида жонли организмларнинг яшаши учун ма'лум даражада зарур бўлган шароитларнинг бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, ҳаёт фақат бизнинг Еримиздагина мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосага келиш қийин эмас. Илмий ма'лумотларга асосланган бу хулоса дун'ёнинг пайдо бўлиши ва оламда Ер ва одамнинг ўзига хос жойда пайдо бўлганлиги ҳақидаги диний уйдирмаларни яна бир марта рад этади.

Н. БАРАБАШЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ҚОҒОЗЛАР ГИРДОБИДА»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 7 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида фельетон босилиб, унда Тошкент район ижроия комитетидаги яроқсиз иш услуби танқид қилинган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижория комитетининг билдиришича, фельетон Тош

Пахтакор ўртоқлар! Бутун куч ва моддий-техника воситаларини чигитни тез ва юқори сифатли экиб олишга сафарбар этингиз!

★ ★

Экишни тезда тамомлаб, чигитни текис ундириб олайлик

(Мухбирларнинг хатларига обзор)

Бу йил кўклам кеч бошланди. Колхоз ва совхозларда дала ишларини айни қизитиб юбориш зарур бўлган ғанимат кунларда уст-устига ёғингарчилик бўлиб турди. Бу эса ерни ўз вақтида тайёрлаш ва чигит экишни тез сур'атлар блан ўтказишга ёмон та'сир кўрсатди. Лекин ана шу мас'улиятли кунларда ноқулай об-ҳаво шароитлари туфайли юз берган қийинчиликларни енгиб, мавжуд моддий-техника воситаларини моҳирлик блан ишга солабилган кўпгина колхозлар чигит экишда бир қатор муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бундай илғор колхозлар чигитни қулай агротехника фурсатларида экиб, мўл ҳосил учун мустаҳкам замин ҳозирламоқдалар. Бу ҳақда районлардан ва колхозлардан кўплаб хатхабарлар олинмоқда.

Ўртоқ **Т. Нишонбоев** областимизнинг Октябрь районидан хабар қилади: Эски-Қовунчи қишлоқ советидаги «Сталинчи» колхозининг пахтакорлари бу йил 700 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 35 центнердан ҳосил етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Улар ана шу шарафли мажбуриятни бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳосилот советининг раиси ўртоқ Раҳим Қолжонов раҳбарлик қилаётган 2-нчи участканинг далаларида айниқса иш қизғин бормоқда. Бу ерда ҳар куни графикдаги 25 гектар ўрнига 35 — 40 гектар ерга чигит экилмоқда. Ўниверсалчилардан Р. Байбулов ва С. Массасов ўртоқлар ўз агрегатларининг қувватидан унумли фойдаланиб, 12 гектар ўрнига 16 — 18 гектар ерга сифатли қилиб чигит экмоқдалар.

— Ўртачирчиқ районидаги илғор «Ленин йўли» колхози ўтган йили 1 минг 418 гектар ерга чигит экиб, планни 107 процент бажарган эди, — деб ёзади ўртоқ **М. Абукабиров**, — Ватанпарвар колхозчилар бу йилги кўклам дала ишларига ҳам яхши тайёргарлик блан киришдилар. Улар 277 гектар қўриқ ва бўз ерларни янгидан ўзлаштириб, экин майдонини 1 минг 610 гектарга кенгайтирдилар. Азамат пахтакорлар ноқулой об-ҳаво шароити туфайли юз берган қийинчиликларни енгиб, ерларни чигит экишга ўз вақтида тайёрладилар. Бу эса колхозда чигит экишни қулай фурсатларда, сифатли қилиб ўтказишга имкон берди.

Шуниндек, **А. Ширинбоев, Н. Насруллаев, Ш. Нажмиддинов ва С. Субонқулов** ўртоқлар Ховос районидаги илғор колхозлар ва 3-нчи Боёвут совхозида кўклам дала ишлари намунали бораётганлиги, бу ишга механизаторларнинг катта ҳисса қўшаётганликларини хабар қиладилар. Райондаги «XIX партс'езд» колхозининг а'золари шу колхозда 3 йилдан бери хизмат қилаётган ўртоқ И. Логвинов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари блан маҳкам ҳамкорликда иш олиб бориб, чигит экиш сур'атини тобора тезлатмоқдалар. Бригадага қарашли 5 та «ЧТЗ» ва 3 та «ХТЗ» тракторлари ҳозир тўхтовсиз ишлаб турмоқда. Азамат механизаторлар ҳозиргача 1 минг 330 гектар ерга чигитни сифатли қилиб экиб чиқдилар. Чигит экишда тракторчилардан Ҳ. Жўраев ва А. Бобоев ўртоқлар намуна бўлмоқдалар. Колхоз ана шу механизаторларнинг ёрдами туфайли экин майдонини қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига бу йил 1 минг 700 гектарга кенгайтирди.

Молотов номли колхоз а'золари ҳам чигит экишда бошқа колхозлардан олдинда бормоқда. Улар бундай муваффақиятга механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаётганлари туфайли эришмоқдалар. Бу колхозда хизмат қилаётган Ховос районидаги 2-нчи МТСнинг ўртоқ Д. Файзиев бошлиқ трактор бригадаси чигит экишда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. И. Абдувалиев, А. Маманазаров ва Б. Мамадиёров каби илғор универсалчилар чигит экиш нормасини 2 — 3 баравар ошириб бажармоқдалар.

— Бўка район Қорақўйли қишлоқ советидаги колхознинг коммунист ўртоқ Ҳ. Жўраев бошлиқ 2-нчи бригадаси, — деб ёзади ўртоқ **Я. Исматов**, — ўтган йили пахта тайёрлаш планини 127 процент бажарган эди. Бригада а'золари бу йил 59 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектардан 29 ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Улар шу мақсадда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўртоқ **Т. Сулаймонов** Сирдар'ё районидан хабар қилади: «Ленинизм» колхозининг а'золари қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига экин майдонини бу йил 600 гектарга кенгайтирдилар. Бу ишда колхознинг ўртоқ Ўзбек Очилов бошлиқ бригадаси айниқса намуна кўрсатди. Бригада а'золари ана шундай ерлардан 55 гектарини ўзлаштириб, бу йил биринчи марта чигит экдилар. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам экин майдонларини кенгайтириш юзасидан бу йил катта ишлар қилинди. Азамат пахтакорлар шу кунларда экишни тезда тамомлаб, чигитни текис ундириб олиш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

Лекин умуман олганда область колхозларида чигит экиш сур'ати ниҳоятда суст бормоқда.

Хечқандай асос бўлмагани ҳолда кейинги кунларда Ховос райони чигит экиш сур'атини пасайтириб юборди. Натижада район сводкада олтинчи ўринга тушиб қолди.

Ўртоқ **Э. Гозневинг** Бўка районидан хабар қилишича, Молотов номли колхозда чигит экишгача қанчилиши зарур бўлган агротехника тадбирлари амалга оширилмаган. Колхоз бу йил 500 гектар ерга чигит экиши керак. Бу — кўклам дала ишларига қанчалик пухта тайёргарлик кўришни талаб қилар эди. Лекин колхоз раҳбарлари (правление раиси Эшонов ва бошланғич партия ташкилотининг секретари Жоланов ўртоқлар) обҳавонинг очиқ келишини кутиб, қулай агротехника фурсатларини ўтказиб юбордилар. Бу эса колхозда чигит экишнинг кечикишига сабаб бўлаётир.

Сўнгги кунларда Бекобод район колхозларида ҳам чигит экиш сур'ати анча пасайиб кетди. Ваҳоланки, экишни қисқа муддатларда ва сифатли қилиб ўтказиш учун бу ерда барча имкониятлар мавжуд.

— Райондаги бирқанча колхозларнинг чигит экишда орқада қолаётганликларига асосий сабаб шуки, — деб ёзади ўртоқ **М. Утюшина**, — уларда барча ишчи кучлари дала ишларига тўла сафарбар этилмаган. Масалан, Охунбобоев номли, Сталин номли колхозларда болалар боғчаси ва яслилари ташкил қилинмаганидан, кўпгина ёш болали аёллар дала ишларига қатнашмаётирлар. Шу каби аҳвол Молотов номли, Каганович номли, Ленин номли колхозларда ҳам юз бермоқда. Бу колхозларда болалар яслилари ва боғчалари ташкил қилинмаганлигидан Молотов номли колхозда 47 аёл, Ленин номли колхозда 37 аёл ишга чиқаолмаётир. Райондаги 3-нчи Далварзин совхозида ҳам бу муҳим ишга етарли даражада аҳамият берилмаётир.

Область колхозлари бу йил экин майдонларини қўриқ ва бўз ерлар ҳисобига бирнеча минг гектарга кенгайтириб, ҳосил миқдорини анча оширишлари керак. Пахтакорларимиз ўз зиммаларига олган шарафли мажбуриятларини бажариш учун ана шу мас'улиятли кунларда чигит экишни қисқа муддатларда сифатли қилиб тамомлашлари ва уни барча майдонларда бехато ундириб олиб, ғўза парваришини қизитиб юбориш юзасидан зарур чораларни кўришлари керак.



«Қизил Октябрь» колхози чигит экишда экишни тамомлаб, чигитни текис ундириб олиш учун ғайрат блан ишламоқдалар. Чиноз районида олдинда ва сеялкачи **С. Усканбоев** ўртоқлар 5-нчи бригада ерларида чигит экмоқдалар. Колхознинг кўпчилик бригадалари чигит экиб, нормани ошириб бажармоқдалар.

Суратда: илғор универсалчи **И. Аҳмедов** Улар ҳар куни 17 — 19 гектар ерга чигит экиб, нормани ошириб бажармоқдалар.

В. Сироткин ва **И. Глауберзон** фотоси.

„Ўзбекистон ССР бешйиллиги" совхозида кўкламги дала ишларининг сур'ати паст

«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхози областимиздаги йирик пахтакор хўжаликлардан биридир. Илгарилари пахтачиликдаги бой тажрибалари ва етиштирган мўл ҳосили блан донг чиқарган бу совхоз кейинги йилларда пахта ҳосилини камайтириб юборди.

Уч йил давомида пахта етиштириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмай келмоқда. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида ҳам совхоз пахта тайёрлаш планини бажараолмади.

Бу камчиликларнинг асосий сабаби совхоздаги моддий-техника воситаларидан, экин майдонидан тўла ва унумли фойдаланмаслигидадир. Совхоз ишчилари ва механизаторлари орасида меҳнат интизоми мустаҳкам ўрнатилмади, шунинг натижасида дала ишларида агротехника қоидаларининг бузилишига йўл қўйилди. Ғўза парвариши ўз вақтида сифатли бажарилмади.

Совхознинг илгариги илғорлигини яна тиклаш учун жуда катта имкониятлар бор. Совхоз хўжалиги қудратли техника блан йил сайин кўпроқ та'минланмоқда. Энди совхоз далаларида ўнлаб трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ишламоқда. Пахтачиликни комплекс равишда механизациялаш учун барча имкониятлар мавжуд. Совхознинг илғор пахтакорлари бу имкониятлардан яхши фойдаланиб, кўклам-дала ишларини уюшқоқлик блан ўтказишда ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Механизаторлар, тракторчилар, сеялкачилар ўзларига топширилган техника воситаларидан унумли фойдаланиб, социалистик мусобақада яхши натижаларга эришаётирлар. Лекин совхоз раҳбарлари шу катта имкониятларни ишга солиб кўклам-дала ишларини уюшқоқлик блан ўтказишга оператив бошчилик қилмайдилар.

Совхозда чигит экиладиган ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учун ер тайёрлаш ишлари ўз вақтида бажарилмади. Айниқса ер карталарининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, ирригация шохобчаларини тартибга келтириш юзасидан берилган графиклар системали бажарилмай келади. Айниқса совхознинг 3-нчи бўлимида 9, 10 ва 37-нчи карталарнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш учун янги коллекторлар очиш, эски зовурларни тозалаш ишлари жуда суст бормоқда. Бу ишларни бажариш учун ажратилган экскаваторни совхоз ҳалигача қабул қилиб олмаган. Бу аҳволлар ер ҳайдаш ва ерларни экишга тайёрлаш ишларининг кечикишига сабаб бўлмоқда.

Пахтачиликда ернинг унумдорлигини ошириш жуда муҳим тадбирдир. Совхоз хўжалиги етарли миқдорда минерал ўғитлар блан та'минланмоқда. Бироқ, бу ўғитлардан тўла фойдаланиш, ер ҳайдашда агротехника талабларига риоя қилиш соҳасида жиддий нуқсонлар бор. Совхознинг бош агрономи ўртоқ Горбатов бўлимларда ерларни ўғитлаш юзасидан белгиланган графикларнинг бажарилишини изчил назорат қилиб бормайди. Шунинг натижасида маҳаллий ўғитдан фойдаланиш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Совхоз трактор паркидаги кучли механизация ишга тўла сафарбар этилмаган. Ҳатто ба'зан ёнилги ва мойлаш материалларининг етишмаганлиги учун тракторлар бекор туриб қолади. Бу ер ҳайдаш ва чигит экиш юзасидан белгиланган графикларнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда. Совхознинг ўртоқ Мусаков бошлиқ 2-нчи бўлимида ер ҳайдаш ва ерларни чигит экишга тайёрлаш ҳамда чигит экиш сур'ати қониқарсиз борaётир. Бу ерда тракторларнинг тез-тез бекор туриши, ерларни яхши тайёрламаслик каби нуқсонлар рўй бераётир. Бўлим раҳбарлари ишчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга э'тибор бермайдилар. Иш сифати ҳам текшириб борилмайди. Шунинг натижасида дала ишларининг кўпида агротехника қоидалари бузилмоқда. Бундай аҳволлар ўртоқ Бегимов бошлиқ бригадада кўпроқ учрайди. 3-нчи бўлимнинг бу бригадасида чигит экишда агротехника қоидалари бузилмоқда, яхши тайёрламаган, чизельламай, борона солимай, мола босилмаган карталарга чигит экилмоқда, сеялкаларнинг яхши ишламаслиги натижасида кўп карталарда чигит ер бетида қолиб кетган.

Белгиланган графикка мувофиқ совхозда ҳар куни 500 гектар ерга чигит экилиши керак. Лекин бу график бирор кун ҳам бажарилгани йўқ. Совхоз раҳбарлари дала ишларини ташкил қилишда айниқса техника воситаларидан унумли фойдаланишга бефарқ қараб келмоқдалар.

Совхозда дала иши блан банд бўлган ишчилар орасида сиёсий-оммавий ишларни уюштириш ва маданий-маиший шароитни яхшилаш блан шуғулланмайдилар. Совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Муҳаммадқулов пахтакор ишчилар орасида ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтиришга юзаки раҳбарлик қилиб келмоқда. Илғор механизатор ва ишчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш иши блан қолоқ бўлим ва бригадаларда иш сур'атини тезлатишга бепарво қаралаётир.

Совхоз бу йил катта майдонга чигит экиб, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни қариб 4 центнердан ошириш мажбуриятини олган. Аммо дала ишларининг ҳозирги борчини бу юксак мажбуриятларга мутлақо жавоб бермайди.

Шу кунларда ғанимат фурсатдан тўла фойдаланиш, ҳамма ерда чигит экишни юксак агротехника талабларига мувофиқ ўтказиш сра нечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бунинг учун совхозда ҳамма имкониятлар мавжуд. Моддий-техника воситаларини, бор кучни кўклам-дала ишларига тўла сафарбар қилиш зарур.

М. ҒОЗИЕВ.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири).

Виставкага қатнашиш ҳуқуқи учун мусобақалашмоқдалар

Ўртасарой районидаги Свердлов номли йирик пахтакор колхозининг а'золари Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг очилиши тўғрисидаги қарорни хурсандчилик блан кутиб олдилар. Мусобақага қўшилган бригада, звеноларда 1955 йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш учун қизғин иш бораётир. Пахтакорлар кўклам-дала ишларини ўз вақтида сифатли ўтказиш, чигитни тез экиб, ҳамма ерда уни бир текис ундириб олиш учун курашмоқдалар.

Колхознинг ўртоқ Абдулла Ашуров бошлиқ 1-нчи бригадасида чигит экиш барвақт тугалланди. Бригадада яхши тайёрланган, борона қилиниб мола босилган ерларга чигит экилди. Шу кунларда қатқалоққа қарши кураш чоралари кўрилмоқда. Ўртоқ Қўзибой Ражабов бошлиқ 5-нчи бригадада ҳам чигит сифатли экиб олинди. Бу бригада а'золари ҳарбир пайкалга тўла чигит экиб олиш учун курашдилар. Ер четларига ва ўқариқ ёнларига чигит экиш ҳам тугалланди. Колхознинг Мурод Рустамов, Тошбой Омонқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида чигит экилган майдонда чигитни бир текис ундириб олиш тадбирлари кўрилмоқда.

Колхозда ғаллачилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Ғаллачилик бригадасида ишлаётган колхозчилар ҳам Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун курашмоқдалар. Буғдой, арпа экиш юзасидан белгиланган план, очириб, бажарилди. Колхоз бўйича 1345 гектар ерга ғалла сепилди. Ғаллакорлар ҳамма ишларни механизация воситаси блан, сифатли қилиб бажардилар.

Колхозда бўз ерларни ўзлаштириш юзасидан ҳам бирқатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йил 120 гектарга яқин бўз ер ишга солинади. Ҳозир тракторлар кучи блан бўз ерларни ҳайдаш ишлари давом этдирилмоқда.

Свердлов номли қишлоқ хўжалик артели а'золари 1250 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектардан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу кунларда колхоз даласида чигит экиш ишлари қизғин бораётир. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқи учун бошланган мусобақанинг дастлабки натижалари — кўкламги ишларни муваффақиятли бажаришда кўринмоқда.

О. ТЎЛАГАНОВ.

Ёш механизаторлар ишлабчиқариш илғорлари

ЯНГИЙЎЛ, (ЎзТАГ). Районнинг чигит экишни оммавий қизитиб юборган колхозларидаги илғор механизаторлар ўртасида кўпгина ёшлар бор. Молотов номли колхозда комсомол а'зоси, Янгийўл районидаги биринчи МТСнинг универсалчиси Сатторали Қурбонов ҳар куни нормадаги 10 гектар ўрнига 14 — 15 гектардан ерга чигит экмоқда. У қаторларни жуда тўғри қилиб, чигитни сифатли экмоқда. Бу МТСнинг ёш тракторчиси Эргаш Мамадалиев ҳам жуда унумли ишламоқда. Унинг кунлик ўртача нормаси — 12 гектарни ташкил этади. Ёш тракторчи Ёқуб Олимжонов мавсум бошлангандан буён 200 гектардан кўпроқ ерни ҳайдади ва боронади.

Янгийўл районининг МТСларида ер ҳайдаш ва чигит экишда юксак меҳнат намуналарини кўрсатаётган 60 дан кўпроқ ёш механизаторлар ишлаб турибди.

Келажак эгалари

ҚАДРДОН МЕҲМОН

Одамлар блан лиқ тўлган дизель катта, кўркам бино яқинига келиб тўхтади.

— Ука, — деди кондуктор, ёнида тик турган йигитга қараб, — сиз истаган болалар уйи мана шу. Тушсангиз бўлади.

— Раҳмат.

Йигит дизельдан тушиб, ҳашаматли бинога яқинлашар экан, юраги шиддатли уриб, тўлқиланабошлади. Лаблари шодлик блан беихтиёр пичирлади.

— Биласанми, эшитяпсанми, иссиқ, меҳрибон қучоғингни соғиниб келдим, — деди у бино деворларини сийпалар экан, — сенинг бағрингда ўсдим, улғайдим, болалик йилларимни камолотга етказдинг. Сени ҳечқачон унутмайман.

Йигит бинонинг икки табақали эшигига яқинлашгач, бўйнида қизил галстуклари қилпираб турган икки пионер салют бериб саломлашди.

— Келинг амаки, сизга ким керак? — деб сўрашди улар.

— Менгами, менга директорни чақириб беринглар.

— Хўп бўлади.

Болалардан бўйи чўзиқроғи эшик олдида қолди, кичкинаси эса коридор бўйлаб ичкарига югуриб кетди. У, директорнинг иш кабинети олдига келдида, одоб блан эшикни аста чертабошлади. Ичкаридан «марҳамат» деган овоз эшитилди.

Пионер кабинетга кирдию, бир нафас тўхтаб қолди... Бу вақт директор яқиндагина бахтиёрлар уйига келган уч яшар Юрийни бағрига босиб эркалар, майин сочларини аста силар эди:

— Қани айтчи жонгинам, Юрийгинам, сенга нима берай, кўнглинг нимани хоҳлайди, — деб сўради у. Юрий бўлса жажжигина икки қўлини директорнинг елкаларига ташлаб, шодлигидан қийқирарди:

— Ойижон, менга ўша, ҳалиги расмли китобчамни — мушук, хўроз, эчки расмлари бор китобчамни беринг.

Директор иш столи тортмасидан китобчани олдида, Юрийнинг қўлига берди. Кейин уни диванга ўтқазиб қўйиб, пионерга қаради ва ундан:

— Кел, Нурулла менда ишинг борми ўглим? — деб сўради.

— Сизни ҳарбий кийим кийган бир киши сўраяпти.

— Айт, кирақолсин, — деди директор ва стулига ўтириб олиб, стол ойнаси тагида турган расмларга бир нафас тикилди. Расмга тушган болалар бир вақтлар шу уйнинг қувноқлари эди. Ҳозир эса улар мамлакатимизнинг турли шаҳарларида Ватан учун, халқ учун хизмат қилмоқдалар. Улар болалар уйига, ўз оналари — директорга мактуб ёзишди, расмларини юборишди, муҳаббат туйғулари блан тўлиб-тошган фарзандлик саломномаларини йўллайдилар.

Директор ана шундай ширин хаёлга бир нафас берилар экан, ҳалиги йигитнинг стол ёнига яқинлашганини ҳам сезмай қолди.

— Салом онажон, — деди йигит. Директор бошини кўтарди ва ўрнидан туриб йигит блан кўришдида, уни ўтиришга таклиф қилди.

— Антанина Павловна, — деди у ҳаяжон блан, — сиз мени танимаяпсизми? Мен... Мен мана шу болалар уйи қучоғида тарбияланган, оналик меҳрингиз блан улғайган фарзандингиз Владимир Шептухин бўламан.

Антанина Павловна беихтиёр Владимирнинг ёнига қандай қилиб ўтиб қолганлигини ҳам сезмай қолди. Ўнинг юзларини, жиғилак сочларини сийпалаб, бошидан оёғигача меҳр блан қараб чиқди. Владимир бундан бирнеча йил илгариги кичкина пионер эмас эди. У, қаддиқомати келишган, улғайиб камолга етган сержант Владимир Шептухин эди.

Антанина Павловна Владимирни оналик меҳри блан бағрига босди. Владимир бўлса меҳрибон она кўкрагига кичкина пионерлик вақтларидаги каби ғўдаклардай эркаланиб, аста бош қўйди...

Шептухининг Украинадан ўзи тарбияланган болалар уйига меҳмон бўлиб келганлиги ҳақидаги севинчли хабар бир зумда тарқалди. Клубда сбор ўтказиш учун тайёрланаётган пионерлар хурсанд бўлишиб бир-бирларига:

— Ўйимизга қадрдон меҳмон келди, — дейишарди. 6-нчи синф ўқучиси Нурулла бўлса болаларга хос ғурурлик блан:

— Владимир амакининг келганлиги ҳақидаги хабарни Антанина Павловнага биринчи марта мен айтдим, — дерди.

БУХОРОДАН ХАТ

Антанина Павловна Юрийни кўтарган ҳалда Владимир блан коридорга чиқишар экан, уларни пионерлар, тарбиячилар ўраб олишди. Владимирдан қайси шаҳарларда бўлганлиги, кўрган-билганлари ҳақида сўралаб беришни сўрашарди. Айниқса, Владимир блан тарбияланиб, ҳозир шу ўйда тарбиячи бўлиб ишлаётган Рита Чепурина, Иосиф Клейнерларнинг кўп марта билгуси келарди. Шу вақт ганга Павловна аралашди:

— Ношилмай турингилар, — деди у, — сборга ҳаммаларга қатнашасилар, Владимир ҳамма ғапни сўзлаб беради.

Улар ипак поёндозлар тўшалган, икки четидаги столлар устида ажойиб, рангбаранг гуллар очилиб турган коридордан юриб, байрамдагидек безатилган кўркам клубга кириб келдилар. Зал пионер ва ўқучилар, тарбиячилар блан лиқ тўлган. Пионерлар бу ерда бугун «Бахтиёрлар уйи мени дўстлик руҳида тарбиялади» деган темада сбор ўтказишмоқчи.

Дружина советининг раиси Игорь Матвеев сборни очиқ деб э'лон қилди. Музиканинг ёқимли, шўх садолари қарсаклар блан қўшилиб, зални янгратди.

— Ўртоқлар, — деди Игорь, — зад бирроз тинчигач, — ҳозир мана шу бахтиёрлар уйимизда тарбияланган Елина Кононованинг дружинамиз пионерларига ёзган мактубини ўқиб эшитдирамиз. Мактубни 6-нчи синф ўқучиси Валя Тучкова ўқиб беради.

Валя минбарга кўтарилди ва қўнғироқдек овозини жаранглатиб, ҳатни ўқий бошлади:

«Аввало, мени ва мен каби юзлаб болаларни камолотга етказган бахтиёрлар уйига, тарбиячиларга, онамиз ўрнига она бўлган Антанина Павловнага, дружинанинг бутун пионерларига чин қалбимдан бир дунё салом!

Жонажон болалар уйи менинг ўрта ма'лумотли бўлишимга, яхши дам олишимга, ўйнаб-кулишимга ҳамма имкониятларни яратиб берди, ўз қучоғида севиб тарбиялади. Олий ма'лумотга эга бўлишимда ҳам ўзининг ёрдамини аямади. Чет тиллар институтини а'ло баҳолар блан тамомладим. Она-Ватан менга энг шарафли ишни — совет болаларига билим беришдек муқаддас вазифани топширди. Ҳозир Бухородаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилмоқдаман.

Қимматли пионерлар, мен яқинда кино-театрга бордим. Журнал бошланди. Унда мен сизларни — қадрдон кишиларимни кўрдим: Ана, ўша, ўша мен катта бўлган бахтиёрлар уйи. Ҳарбир хона ооида, пўлат кроватьлар ярқирайди. Оқ чойшаблар, пар ёстиқлар, ҳаммаси жойида. Тувакларда турли-туман гуллар чамандек очилиб турипти. Буларнинг ҳаммаси менга таниш. Қалбимга яқин. Мана, хоналарнинг бирида ёстиқ устига ёпилган, ўз қўлим блан гул тиккан шоҳи чойшаб. Ахир ўз меҳнатингни кўриб нега ҳам завқланмайсан киши. Бу чойшаб кўзларимга чўтдек кўринди.

Ана, эшикдан Антанина Павловна кириб келяпти. Ўни болалар — сизлар қуршаб олгансиз. Лабларим беихтиёр: меҳрибон жонкуяр Антанина Павловна! Мен сизни, болаларнинг қуршовида туриб, бирини ўпаётганингизни, бирини сочини силаб эркалаётганингизни, анови кичкинтойни бағрингизга босиб севаётганингизни ўз кўзим блан кўриб турибман. Антанина Павловна, азиз пионерлар сиз менинг мана шу вақтда қанчалик шодланаётганлигимни, сизларга нисбатан тугалмас меҳр қалбимдан янада чуқурроқ жой олганлигини тасаввур қилаолассизми, — деб пичирларди. Йўқ, бизнинг она Ватанимизда — Коммунистик партиямиз раҳбарлик қилаётган қудратли мамлакатда етимлик сра ҳам йўқ. Биз, битмас-туганмас ғамхўрлик блан қуршаб олинганмиз.

Болалар, азиз уналар, сиз ана шундай ғамхўрликка муносиб ўқинг, актив жамоатчи бўлинг. Жамоатчилик — ҳаётимизнинг моҳир қуручиси бўлиб етишинг. Бу бизнинг муқаддас ва шарафли бурчимиздир».

Зални гулдурос қарсаклар янгратди. Антанина Павловнанинг, тарбиячиларнинг, Владимирнинг, ҳамма болаларнинг кўзида севинч ёшларини кўриш мумкин эди.

Иккинчи сўз Владимир Шептухинга берилди. У, залдагиларга бир назар ташлаб олдида, сўзга киришди:

— Болалар, — деди у, — 1942 йил Сталинграддан Тошкентга олиб келишганида 9 ёшда эдим. Мана шу уй мени ўз тарбиясига олди, билим берди, бошимни силади. Меҳнатсеварликка ўргатди. Кўлимдан иш келадиган бўлгандан сўнг, Оҳангаронга ишга узатди. Ватанимизнинг бойлиги кўмир ҳавзаларида меҳнат қилдим. Мени халқимиз бахт-саодатини, тинчликни кўриқлаётган Совет Армияси сафига қабул қилишди. Кўп шаҳарларда, шунингдек жонажон Украинада бўлдим. Армия сафида ўз бурчимни бажариш блан бирга, рассомлик ҳунарини ҳам ўргандим. Мана, булар мен чизган расмлар, — Владимир ўз қўлида олиб чиққан бир ўрам сурпни очдида, залдагиларга бирнеча картиналарни кўрсатди. Йиғилганлар турли воқеаларни акс этдиручи ажойиб картиналарни завқланиб тамоша қилдилар, унинг ҳикоясини эўр з'тибор блан тингладилар. Кўпгина пионерлар минбарга чиқиб, мактубдан, Владимирнинг ҳикоясидан олган таассуротларини сўзладилар.

ТАМАРА КРЕМЛЬДА БЎЛГАН

Сборнинг биринчи қисми тамом бўлди. Бадиий қисмнинг бошланишига ҳали анчагина вақт бор. Антанина Павловна 7-нчи синф ўқучиси Тамара Юнусовани ўз ёнига чақирди ва Владимир блан таништирди:

— Биласанми Владимир, — деди Павловна, — бу қиз моҳир рақоса. У, Коммунистик партиямизнинг XIX с'ездига бағишланган катта концертда ўз рақслари блан иштирок этди. Владимир Тамаранинг қўлини қисиб табриклар экан:

— Валли синглим, — деди хурсанд бўлиб, — сен у ерда қандай рақсларни ижро этдинг?

— «Пахта», ва «Уйғурча» рақсларини, — қамтарлик блан ерга қараб жавоб берди Тамара.

— Менга қара, Тамара, сен Москвадан олган таассуротларингни менга ҳам сўзлаб бер, — илтимос қилди Владимир.

— Большой театрига, — ҳикоя қилабошлади Тамара, — партия ва ҳукуматимизнинг раҳбарлари, она-Ватанимизнинг муносиб фарзандлари — с'езд делегатлари келган эдилар. Концерт давом этарди. Мана, навбат менга келди. Шодлигимдан бутун вужудимни ҳаяжон қуршаб олди. Музика садолари янграши блан сақнага отилдим. Йиғилганлар мени давомли қарсаклар блан кутиб олишди. Бу эса, менинг ғайратимга-ғайрат қўшди. «Пахта», «Уйғурча» рақсларини кетма-кет ижро этдим. Концерт охирида ўртоқларим «Муваффақиятларинг блан табриклаймиз» дейишди.

— Хўш, ундан кейин нима бўлди, — қизиқиш блан сўради Владимир.

— Ундан кейин эртасига кўп пионерлар қаторида мени ҳам Кремльга таклиф қилишди. Ана, кўз олдимда, қанчалар азиз, жонажон Кремль. Катта дарвозадан ичкари кириб бордик. Миллион-миллионларга бахт нурини сочаётган муқаддас жой. Биз Георгиев залида бўлдик. «Царь-пушка»ни тамоша қилдик. Ҳатто энг эўр «Царь-колокол»ни қўлимиз блан ушлаб ҳам кўрдик.

Турли республика ва шаҳарлардан келган пионерлар блан танишиб, улар блан дўстлашдик. Ҳаммамиз қўл ушлашиб, бир сафда туриб жонажон партия ҳақида, она-Ватанимиз ҳақида қўшиқлар айтдик. — Тамара сўзлар экан ҳамма пионерлар эўр қизиқиш блан уни қуршаб олган эдилар. Улар Тамаранинг бу ҳикояларини илгари эшитган бўлсалар ҳам Кремль ҳақидаги ҳикояни қайта-қайта тинглашни истардилар, — бизнинг ёшлигимиз, — сўзида давом этди Тамара, — совет болаларининг ёшлиги қуёш каби порлоқ нур қўйнига чўмилганлигини янада чуқурроқ ҳис қилабошладик. Мен, ўша кунларни — ҳаётимнинг энг қувончли кунларини ҳечқачон унутмайман.

Худди шу вақт бадиий қисм бошланишига сигнал берилди. Саҳнага чиқиб саф тортган пионерлар партия, Ватан ҳақида умумий хор ижро этишди. Сўнгра биринчи бўлиб Тамара саҳнага чиқди. У, музиканинг шўх садолари остида «Пахта» ўйинини моҳирлик блан ижро этабошлади... Концерт авж олиб, ўйин кетидан ўйин, қўшиқ кетидан ўйин қизиб кетди. Владимир болаларга мамнунлик блан боқар экан, беихтиёр шундай деди:

— Бахтиёр ёшлик, қанчалар азиз, киши қалбига завқ бағишлайди.

КЎП БОЛАНИНГ ОНАСИ

Антанина Павловнанинг таниш-билишлари, қўни-қўшнилари «кўп боланинг онаси» деб чақиришади. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам шундай деб, чақиришга арзийди. Ўнинг болалари жуда кўп. Улар бир-бирлари блан ҳақил, бир-бирлари блан дўст, ҳарҳил миллат болалари. Уларнинг болалар уйида бирга усган акалари, опалари: Москвада, Ленинградда, Киевда, Сталинободда, шунингдек мамлакатимизнинг турли шаҳар ва районларида инженер, доктор, ўқитучи, ёзучи, агроном бўлиб ишлайдилар.

Антанина Павловна 10 йилдан бери раҳбарлик қилаётган Тошкентдаги 22-нчи болалар уйи 10 йил ичида 103 ўрта ва олий ма'лумотли кишиларни тарбиялаб етиштирди. 106 киши фабрика ва завод билим юртларини тамомлаб, энг яхши мутахассислар бўлиб етишди. Ҳозирги кунда 68 дан ортиқ йигит ва қизлар иттифоқимизнинг олий ўқув юртларида ва техникумларида билим олмоқда.

Болалар уйи, Антанина Павловна уларнинг ҳаммасидан хат олиб туради. Улар ўз мактубларида Коммунистик партиямиздан, она-Ватанимиздан чин қалбдан миннатдор эканликлари тўғрисида ёзадилар.

Бахтиёрлар уйида қувноқ ҳаёт кечираётган болалар порлоқ келажак эгаларидир.

УСМОН ЖОНГИТОВ, СОБИТ АБДУЛЛАЕВ.

Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIII с'езди

ЛОНДОН, 16 апрель. (ТАСС). Бугун Ваттерен (Ғарбий Жанубий Лондон) ратушасида Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIII с'езди очилди. С'езд Англия ва Америка империализмига қарши, ишчилар синфининг бирлиги учун, атом ва водород қуролини тақиқлаш учун, Шарқ блан Ғарб ўртасида савдо-сотиқни кучайтириш учун кураш шиорлари остида ўтмоқда.

С'ездни Буюк Британия компартияси ижроия комитетининг раиси, Англия ишчилар ҳаракатининг ветерани Уильям Галлахер очди.

Галлахер ўз сўзининг охирида Англияда тинчлик кучлари ўсаётганлигини ва тинчлик ҳамда социализм учун курашаётган компартияни мустаҳкамлаш зарурлигини та'кидлади. Делегатлар Галлахернинг бу сўзларини гулдурос қарсаклар блан ма'қуллядилар.

С'езд ташкилий комиссия, реданцион комиссия ва мандат комиссияси сайлади ҳамда компартия ижроия комитетининг ҳисоботини қабул қилди.

Шундан кейин компартиянинг бош секретари Гарри Поллит сиёсий доклад қилди.

Поллит уқтириб ўтдики, Коммунистик партиянинг ҳозирги с'езди инглиз халқи учун оғир бўлган бир вазиятда, АҚШнинг сиёсати натижасида вужудга келтирилаётган уруш ва оғир иқтисодий кризис хавфи инглиз халқига таҳдид қилаётган бир пайтда тўпланди.

Поллит Англиянинг ички аҳволига тўхталиб, бундай деди: Капиталистлар ҳечқачон ҳозиргидек ошкора ва сурбетлик блан фойда тўпламаган эдилар. 1952 ва 1953 йилларнинг бюджетларида йирик капиталистларга 254 миллион фунт стерлянг ҳад'я қилинди: йирик капиталдан олинадиган даромад солиғи камайтирилди, банк процанти ставкаси эса кўпайтирилди. Йўл транспортининг ва металлургия саноатининг национализация қилинган корхоналари капиталистларга қайтарилиб берилган пайтда уларга миллион-миллион фунт стерлинг совға қилинди. Ижара ҳақининг оширилиши уй эгаларининг даромадларини йилига 80 миллион фунт стерлинг миқдорида кўпайтиради.

Айни замонда бу бюджетлар ишчилар сотиб оладиган озиқ-овқат маҳсулотларини қимматлаштирди ва ишчиларнинг исте'молини камайтирди. Урушдан илгари исте'мол қилинган ҳар 10 қадоқ гўшт, канд ва ёғ ўрнига ҳозир 7 қадоқ гўшт, 8 қадоқ канд ва 6 қадоқ ёғ исте'мол қилинмоқда.

Маориф ишлари йғиштириб қўйилмоқда, уй-жой шароити ёмонлашмоқда. Ҳукумат ишҳақини ошириш учун маблағ топаолмаётир, лекин шундай бўлса ҳам ҳукумат уруш эҳтиёжлари учун ҳар йили 1 миллиард 776 миллион фунт стерлинг чиқармоқда: Англияда ана шу мақсад учун ҳарбир эркаклан, ҳарбир хотиндан ва ҳарбир боладан ҳафтасига 13 шиллинг 8 пенс ундириб олинмоқда. Рента, процент ва фойдаларнинг эгалари ҳар йили инглиз халқи меҳнати ҳисобига 4 миллиард фунт стерлингдан ортиқ маблағ олмоқдалар. Бойларга берилаётган бу совға йилига ҳарбир киши ҳисобидан, унинг ишси ва ёши қандай бўлишидан қат'ий назар, 80 фунт стерлинг маблағни ташкил этади. Англия ва Уэльсдаги бойликларнинг ярми бутун аҳолининг 1 процанти қўлидадир.

Ўнг лейборист лидерлар, Англияда ўнги синфий жамият йўқ деб да'во қиладилар. Бу, уччига чиққан ёлғон гап. Бойлар ҳали ҳам бойимоқдалар.

Поллит яна бундай деди: Англия иқтисодий аҳволининг жуда оғирлиги халқнинг турмуш шароитига ҳужум қилишишга сабаб бўлмоқда, деб бизга айтмоқдалар. Ҳақиқатда эса, совуқ муносабатлар урушга, мустамлака урушларига бўладиган харажатларни қоплаш учун, халқларнинг озодлик йўлидаги курашини бостириш мақсадларида бутун дун'ёда қуролли кучларни сақлаш учун, Англиянинг Атлантик ҳарбий иттифоқдаги мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган ҳаддан ташқари қуролланиш харажатларини тўлаш учун халқлардан шундай қурбон беришни талаб қилмоқдалар.

Поллит айтдики, кейинги йилларда мустамлакаларни эксплуатация қилиш бенихоя кучайди ва мустамлакалар халқларининг турмуш шароити ёмонлашди.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган сиёсат, — деди Поллит, — Англиянинг вайрон қилаётир. Бу сиёсат Англияни Америка империализми ва доллар ҳукмронлиги блан боғлаб қўйди. Бу сиёсат ичида бўлиб ўтган Берлин конгаштида Европа хавфсизлиги пакти тўғрисидаги шартномани тузиш ҳақида Совет Иттифоқи томонидан киритилган таклифларни рад қилишга олиб келди. Бундай шартнома мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини та'минлаган бўлур эди. Бу сиёсат герман милитаризмини қайтадан қуроллантиришга олиб келди ва Англияни Американинг атом бомбардировкачи самолётлари базасига айлантирди. Бундан кейин ҳам шу йўлдан бориш Англияни иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ҳалокатга олиб келади.

Ишчилар ҳаракатининг ва бутун халқнинг барча табақалари бу сиёсатдан тобора қаттиқ газабланмоқдалар. Кишилар ҳозирги вақтда Англиянинг тинчликка эришиш, миллий жиҳатдан мустақил бўлиш социал ва иқтисодий тараққиёт соҳасида янги сиёсатни амалга ошириш йўлида олға қадам қўйиши учун жуда катта имкониятлар борлигини тобора равшан тушунмоқдалар.

Сўнгра Поллит, Англиядаги сиёсий вазиятда рўй берган иқилик — ишчиларнинг ўнг лейборист лидерларидан юз ўгирганликларидан ва ишчиларнинг ўз ҳуқуқлари ҳамда ўз манфаатлари учун олиб бораётган кураши кучайганлигидан иборат, деб уқтириб ўтди. Поллит лейбористлар партиясининг оддий а'золари ўртасида тинчликка интилиш жуда катта эканлигини кўрсатди. Лейбористлар партиясининг оддий а'золари консерваторларнинг Америка империализми олдида кўп марта таслим бўлганликларидан қаттиқ газабланмоқдалар. Ўнг лейборист лидерлар консерваторларнинг америка империализми олдида таслим бўлишини қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Гарри Поллит мустамлака халқларининг Британия империализмига қаттиқ зарба бераётганликларини ҳам та'кидлаб ўтди. Мустамлакачилар, — деди Поллит, — Африкада, Малайяда ва Вест-Индияда ҳарқанча урининг кўрганларида ҳам, бу мамлакатлар халқларининг миллий-озодлик ҳамда мустақиллик йўлидаги кучли ҳаракатини бостираолмайдилар.

Сўнгра, докладчи империалистик лагерьдаги зиддиятлар ва айниқса АҚШ блан Буюк Британия ўртасидаги зиддиятлар кескинлашганлигига тўхталиб ўтди.

Шундан кейин, Поллит ҳар икки с'езд ўртасидаги даврда ишчилар ҳаракатининг ривожланганлигини анализ қилди ва бу ҳаракатнинг вазифаларини кўрсатди.

Поллит Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхтатиш учун ва ҳозирги вақтда олиб борилаётган бошқа ҳамма урушларни тўхтатиш учун кураш кампаниясини кучайтиришга чақирди.

Поллит қўйидаги мақсадларга эришиш учун эўр ғайрат блан ҳаракат қилишга чақирди:

Ички сиёсат соҳасида — ишҳаққини ошириш, ишсизларга бериладиган нафақаларни, кексаларга, касалларга ва ишлабчиқаришда ёки урушда меҳнат қобилиятини йўқотган кишиларга бериладиган пенсияларни кўпайтириш, нархларни камайтириш; уй-жой қурилишини кўпайтириш; маориф ишларини ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш; Англиянинг Америка ҳукмронлигидан миллий мустақиллигини та'минлаш ва Англиянинг американлилар томонидан ҳарбий оккупация қилинишига барҳам бериш, Англиянинг ҳарбир мамлакат блан савдо-сотиқ қилишини ҳечқандай йўл блан чекламаслик; Малайя, Кения халқлари блан Британия ғвианаси халқлари блан ва бошқа мустамлака халқлари блан бирдам бўлиш; барча мустамлака ва қарам мамлакатлардан инглиз қўшинларини олиб чиқиб кетиш.

Ташқи сиёсат соҳасида — Корея масаласи юзасидан Ҳиндистоннинг ва Осиёдаги бошқа бетараф мамлакатларнинг иштироки блан конференция ўтказиш (бу конференция тинчликни та'минлайолади), шунингдек инглиз қўшинларининг Кореядан ҳам. Хитойга қарши ҳам уруш қилмасликлари тўғрисида декларация чиқариш; Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасига унинг ўз ўрнини бериш; Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қарши курашиш, бирлашган, тинчликсевар ва демократик Германияни вужудга келтириш учун сулҳ конференцияси чақириш; Совет Иттифоқининг Европа хавфсизлиги тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлаш; қуролярларни ёппасига камайтириш; ҳарбий хизмат муддатини қисқартиш; одамларни қўплаб қирадиган қуроллари тақиқлаш; халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун буюк давлатлар ўртасида музокаралар олиб бориш.

Гарри Поллит ўз докладининг охирида бундай деб уқтириб ўтди: Шу мақсадларга эришиш йўлидаги курашнинг муваффақиятли бўлиши учун Англиядаги барча илғор ишчиларни бирлаштириш ва Буюк Британия Коммунистик партиясининг сафларини мустаҳкамлаш зарур.

★

Бугун с'езда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетидан, Хитой Халқ Республикаси, халқ демократияси мамлакатлари коммунистик партияларининг марказий комитетларидан, бошқа мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар марказий комитетларидан олинган табрикномалар ўқиб эшитдирилди.

КПСС Марказий Комитети табрикномаси текстида бундай дейилади:

БУЮК БРИТАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXIII С'ЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Буюк Британия Коммунистик партиясининг XXIII с'ездига қардошлик саломини йўллайди.

Буюк Британия Коммунистик партиясига Англия меҳнаткашларининг энг зарур манфаатлари учун, ўз сафларини мустаҳкамлаш учун, Европада ва бутун дун'ёда тинчлик учун, демократия ва социализм учун курашда муваффақиятлар тилаймиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.

С'езд делегатлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг табрикномасини гулдурос қарсаклар блан қутиб олдилар.

«ЮМАНИТЕ» ГАЗЕТАСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Франция Коммунистик партиясининг марказий органи «Юманите» газетасининг чиқабошлаганига 18 апрельда 50 йил тўлади.

15 апрельда Москвада мана шу улуғ воқиага бағишланган катта кеча ўтказилди. Журналистлар марказий уйида Москва саноатининг новаторлари, газеталарнинг мухбирлари ва редакторлари, нашриётларнинг ходимлари, адабиётчилар, фан арбоблари тўпландилар.

«Тинчликни ҳимоя қилиш учун» журналининг рус тилида чиқадиган нашрининг редактори П. Вишняков қисқа кириш нутқи сўзлаб, кечани очди. Ёзучилардан Л. Никулин, В. Финк ва бошқалар Франция Коммунистик партияси марказий органининг эллик йил ичида босиб ўтган шонли йўли тўғрисида, унинг жангговар коллективи томонидан қилинган ишлар ҳақида гапирдилар.

Итальян ёзучиси Д. Жерманеттонинг ва «Юманите» газетасининг Москвадаги мухбири Р. Гародининг нутқларини кеча қатнашчилари самимият блан тингладилар.

«Правда» газетаси редакциясининг «Юманите» газетаси коллективига юборган табрик телеграммаси кечада ўқиб эшитдирилди.

Кечанинг охирида пойтахт сан'ат усталари томонидан концерт берилди.

Франция прогрессив матбуотига ва «Юманите»нинг 50 йиллигига бағишланиб журналистлар Марказий уйининг фойесида виставка ташкил қилинди. (ТАСС).

Улан-Батор — Пекин велосипед пойгаси

УЛАН-БАТОР, 16 апрель. (ТАСС). Кеча Улан-Батор — Пекин велосипед пойгаси бошланди. Бу пойгани Мўғулистон Халқ Республикаси физкультура ва спорт ишлари комитети ҳамда Революцион ёшлар союзининг Марказий Комитети ташкил этди, Команда составида мамлакатдаги энг яхши велосипедчилардан 12 киши бор.

Команда 26 апрельда Пекинга келишни мўлжаллайди. Мўғулистон велосипедчилари мўғул физкультурачиларини муваффақиятлари тўғрисида хитойли дўстларига сўзлаб берадилар ва Хитойда спорт ҳаракатининг эришган муваффақиятлари блан танишадилар. Велосипедчилар пойгасининг катнашчилари Пекинда Биринчи Май байрамида иштирок қиладилар.

АҚШ, Англия ва Ғарбий Германия ўртасида конкуренция кураши кескинлашмоқда

Ғарбий Германия иқтисодий миссиясининг Лотин Америкаси мамлакатларига боришига доир

МОНТЕВИДЕО, 16 апрель. (ТАСС). Ғарбий Германиянинг ҳўжалик министри Эрхард бошчилигидаги иқтисодий миссияси Уругвайда бўлганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Миссия шундан олдин Мексика, Куба, Панама, Перу, Чили, Аргентинада бўлди ва ҳозириги вақтда Бразилияга жўнаб кетди.

Уругвай матбуоти Ғарбий Германия иқтисодий миссиясининг Лотин Америкаси мамлакатларига қилаётган сафаридан кузатилган мақсад — герман капиталининг урушдан илгари ана шу мамлакатларда бўлган позицияларини тиклашдан иборат, деб та'кидлайди.

«Висьон» журналисти Эрхарднинг ва у блан бирга келган кишиларнинг сафаридан мақсад шуки, «Ғарбий Германия саноатчилари Ғарбий Германиянинг Лотин Америкаси блан савдо-сотиқ ишларини кенгайтиришга интилмоқдалар», деб та'кидлайди. Журнал бундай деб ёзади: Ғарбий Германия ҳозирги вақтда Латин Америкаси мамлакатларига «шукадар кўп мол чиқармоқдаки, бу ҳол АҚШ ва Англия саноатчиларини жиддий ташвишга солмоқда»...

«Аксьон» газетасининг билдиришича, Эрхарднинг сафари Латин Америкаси бозорларида Ғарбий Германия блан АҚШ ва Англия ўртасида конкуренция кураши кучайиб бораётганлигини исбот этади.

«Висьон» журналида босилган ма'лумотларга қараганда, Ғарбий Германия кейинги вақтларда Латин Америкаси блан ташқи савдо соҳасида ўз позицияларини кенгайтирган.

Афғонистонни Ўрта Шарқдаги ҳарбий иттифоққа тортиш йўлидаги уринишлар

КАРАЧИ, 16 апрель. (ТАСС). Покистон ҳукумати Афғонистон блан «ҳартомонлама ҳамкорлик» ўрнатишга зўр бериб уринаётганлиги тўғрисида кейинги вақтларда Карачида кўп гапирилмоқда. Бу гапларни муайян доираларнинг Ўрта Шарқда тайёрланаётган ҳарбий иттифоққа Афғонистонни тортиш йўлидаги интилишлари блан боғлайдилар.

«Покистон таймс» газетаси Қоҳирадаги ўз мухбирининг хабарини босиб чиқарди. Бу хабарда айтилишича, ишончли ма'лумотларга қараганда, Покистонинг Кобилдаги элчиси яқинда икки давлат конфедерацияси тузишни Афғонистон ҳукумати таклиф этган. Афғонистон ана шу таклифга рози бўлган тақдирда, Покистон ҳукумати Афғонистонда йўл қурилишига ёрдам беришга, Афғонистоннинг Покистондаги гидростанциялари электр қувватидан, шунингдек давлат банки ва Карачи портининг хизматларидан фойдаланишига рухсат беришга тайёр эканлигини билдиради. Мухбирнинг ёзишича, Покистоннинг таклифини американлилар ма'қуллаган ва бу таклиф Афғонистонни ҳарбий блокка тортишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Афғонистон жамоатчилиги сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига ёрдам берганлиги учун СССРга миннатдорчилик изҳор қилмоқда

КОБИЛ, 16 апрель. (ТАСС). Афғонистон Қизил Ярмой жамияти СССРнинг Афғонистондаги элчисига расмий мактуб юбориб, Чеҳансур районининг сув тошқинидан зарар кўрган аҳолисига ёрдам берилганлиги учун миннатдорчилик изҳор қилди.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IV да кундуз **Шоҳи сўзана**, кечқурун **Гамлет**, 20/IV да **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IV да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Бўронда**, 20/IV да **Кармен**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ёшлар коллективининг гастрольлари**. Янги аттракцион — **«Муз устида карнавал»**. Тамоша давомида — қизиқчи **Олег Попов** қатнашади. Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади.

«РОДИНА» — кечқурун **Венеция кечаси**.

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — кундуз **Пахтаой**.

НАВОИЙ номли театр — кундуз **Полк қизи**, кечқурун **Сепли тўй**.

«ИСКРА» — ҳамма залда кундуз соат 4—20 минутгача **Эгизаклар**, кеч соат 5 дан **Венеция кечаси**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Манзарали ва хроникал фильмлар тўплами**, кундуз **Муз устида баҳор**, кечқурун **Венеция кечаси**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Олтин Юлдуз кавалери**, кечқурун **Венеция кечаси**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз **Цирк майдонида**, кечқурун **Венеция кечаси**.

ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ — **Васса Железнова**.

Сағбон кўча, Улуғ проезд, 28-нчи уйда туручи **Зоҳид Юнусовнинг** Ҳамза кўча, 14-нчи тупик, 88-нчи уйда туручи Машкура Юнусовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 4-нчи участка халқ судида кўрилади.

Тошкентда

Тошкент давлат циркида янги программада тамошалар кўрсатилмоқда. **Суратда:** (чапдан ўнгга): 1. Ҳавода гимнастика қилиш 2. Қизиқчилар (чапдан): артист **В. В. Масловский, О. К. Попов, Б. М. Романов.** 3. Акробатчи **Абамадов**лар мураккаб ўйин кўрсатмоқдалар.

В. Салов ва **С. Каган** фотолари.

★

Ёзги кийим-кечаклар

Шаҳардаги 1-нчи Ателье мод шу кунларда ёз мавсуми учун ҳар хил фасонда чиройлик кийим-кечаклар тикишни қизғин давом этдирмоқда. Тикучилар коллективи Майолди социалистик мусобақасига қўшилиб, кундалик нормани бирарим-икки баравар ошириб бажармоқдалар. М. Ҳидоятова, М. Шарова каби ўнгдаб илғор тикучилар ўзларининг а'ло сифатли маҳсулотлари блан жуда кўп заказчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Ателье мод биринчи квартал планини муддатидан олдин 111,5 процент қилиб бажарди.

Табиий-илмий билимлар пропаганда қилинмоқда

Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводи ремонт-механика цехининг юзларча ишчиси «Бошқа планеталарда ҳаёт борми?» деган темадаги лекцияни эўр э'тибор блан тинглади. Бу лекцияни Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг ҳақиқий а'зоси, физика-математика фанлари кандидати И. М. Ишченко ўқиди. Лекция машинасозларни қизиқтирди. Касаба союз завод комитети ишчиларнинг илтимосига биноан табиий-илмий темалардаги бирқанча лекцияларни маданий-оқартув ишлари планига киритди, Тошкент обсерваториясига экскурсия ташкил қилишга қарор қилди, шунингдек цехларда қисқа метраждли илмий-оммабоп кинофильмлар кўрастишга қарор қилди.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг Тошкент область бўлими табиий-илмий пропагандани кучайтирмоқда. Тошкент, Чирчиқ, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарларида, Бекобод, Пискент ва бошқа районлардаги колхоз ҳамда МТСларда «Оламнинг тузилиши ҳақида янгиликлар», «Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида», «Физиканинг энг янги муваффақиятлари» ва бошқа шу каби темаларда лекциялар бўлиб ўтди.

Янги озиқ-овқат магазинлари кўпаймоқда

Аҳолига кенг исте'мол молларини кўплаб етказиб бериш мақсадида Тошкент шаҳар савдо бўлими Октябрь район территориясида олтита намунали озиқ-овқат магазинлари қурмоқда. Сағбон ва Тахтапул кўчаларидаги магазинлар яқин кунлар ичида ишга тушади. МПС заводи яқинида, Чигатой, Қорасарой кўчаларида қурилаётган магазин бинолари ҳам 1-нчи Майгача битказилади.

Бундан ташқари, Собир Раҳимов номли маданият ва истироҳат боғи территориясида ва Ҳамза номли театр қаршисида иккита намунали қизил чойхонани қуришга киришилди.

★

Илғорлар тажрибаси пропаганда қилинмоқда

Тошкент темир йўл бошқармасининг техника бўлими йўллар инженер-техник илмий жамияти блан ҳамкорликда темир йўл ишчиларининг илғор тажрибаларини пропаганда қилучи брошюралар босиб чиқарабошлади. 1954 йил биринчи кварталида учта брошюра босилиб чиқди. Бу брошюраларда Тошкент йўллар бўлими ишининг иқтисодий-техник планлаштириш тажрибаси, паровозларни Оҳангарон кўмири блан юргизиш ва бошқа тажрибалар баён қилинган.

Йўллар техника бўлимининг хизматчилари тепловоз хўжалигига оид рационализаторлик таклифлари тўпламини нашрга тайёрламоқдалар.

Никелланган кровать ишлаб чиқариш ўзлаштирилади

«Узметаллопромсоюз» системасига қарашли Сталин районидаги «9-нчи май» кровать артели коллективи 1954 йилда аҳоли учун никелланган кроватлар ишлаб чиқариш процессини ўзлаштиради. Артель йиллик планга мувофиқ 3 мингта никелланган юқори сифатли кровать ишлаб чиқариши керак.

Ҳозир артельда кроватьнинг бу янги хилини ишлаб чиқаришни амалга ошириш мақсадида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Артель шу йил II-нчи кварталда 1000 дона никелланган кровать ишлаб чиқаради.

Комбинат кутубхонаси

Сталин номидаги тўқимачилик комбинати бой техника кутубхонасига эга. Унинг фондида ҳозир 52 мингдан ортиқ китоб бор. Кутубхонадан комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари, тўқимачилик институти ва техникумининг ўқитучилари, студентлари ҳамда марксизм-ленинизм кечки университетининг тингловчилари унумли фойдаланмоқдалар.

Кутубхона ходимлари китобхонларнинг талаби блан Навоий номли давлат кутубхонасидан, Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг фундаменталь кутубхонасидан турли янги китобларни келтириб турадилар. Улар янги китобларни олгач, дарҳол китобхонларга ёзма равишда хабар қиладилар ва уларнинг зарур китобларга бўлган талабини қондирадилар.

Комбинат кутубхонаси Чебоксар, Чимкент, Фарғона, Сталинград ва бошқа шаҳарлардаги тўқимачилик комбинатларининг кутубхоналари блан ҳам доим алоқа қилиб туради. Кутубхона 1953 йилда Чебоксарда қурилиб тамомланаётган тўқимачилик комбинати кутубхонасига 241 та техника китоблари юборди.

★

Институт коллективининг ўрта мактаб ўқучилари блан учрашуви

Яқинда Ҳамза номли театр биносида Ўрта Осиё политехника институти профессорлари, ўқитучилари ва студентлари шаҳардаги ўрта мактабларнинг X-нчи синф ўқучилари блан учрашдилар. Учрашувда институт директори, техника фанлари доктори, профессор М. И. Ниёзов сўзга чиқиб, X-нчи синф ўқучиларига студентларнинг муваффақиятли ўқишлари учун партия, ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган гоят катта имкониятлар ва институт қучоғидан халқ хўжалиги учун кўплаб мутахассис кадрлар етишиб чиқаётганлиги ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Институт ўқитучиларидан техника фанлари доктори, профессор Рустамов ва техника фанлари кандидати, доцент А. Орифхонова X-нчи синф ўқучиларини бўлажак имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўришга, ўрта мактабни тамомлагач, политехника институтига ва бошқа олий ўқув юртларига кириб ўқишга ҳамда турли ихтисосларни муваффақиятли эгаллашга чақирдилар.

Бугун Тошкент спорт базаларида

«МЕДИК СТАДИОНИДА»

Соат 10.00 **ФУТБОЛ.** Тошкент шаҳар биринчи командалари ўртасида учрашув. Спорт мактаби командаси — «Труд», «Торпедо» — «Спартак».

Соат 10.30. **ТЕННИС.** Спартакиада программаси бўйича республика шахсий ва командалар биринчилиги учун мусобақа.

«ПИШЧЕВИК» СТАДИОНИДА

Соат 10.00. **ФУТБОЛ.** Тошкент шаҳар биринчи командалари ўртасида учрашув. «Красное знамя» — «Локомотив», «Пишчевик» — Офицерлар уйи.

«СПАРТАК» СТАДИОНИДА

Соат 11.00. **ҚЛИЧБОЗЛИК.** «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг биринчилиги учун мусобақа.

«ДИНАМО» СТАДИОНИДА

Соат 16.00. **ФУТБОЛ.** Совет Иттифоқи биринчилиги учун «Б» класс командаларининг учрашуви. «Авангард» (Свердловск) — «Спартак» (Тошкент).

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда бугун кундузи Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 18—24 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 20—22 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

СССР Савдо министрлиги
«ГЛАВОБУВЬТОРГ» — «УЗБЕКОБУВЬТОРГ»

ОЁҚ КИЙИМИ

„Узбекобувьторг"нинг
ҲАММА
МАГАЗИНЛАРИДА
БАЙРАМ КУНЛАРИГА ВА
ЕЗГИ МАВСУМГА
эркак, хотин-қиз
ва болалар учун
ҲАРХИЛ
ОЁҚ
кийимлари
сотилади

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ: № 1 — Ленин кўчасида, № 2 — Алайский бозорида, № 3 ва 4 — Октябрь район бозорида, № 5 — Биринчи май бозорида, № 6 — Шота Руставели кўчасида, № 7 — Сельмаш кўчасида, № 8 — Кафанов кўчаси, 100-нчи уйда, № 9 — Киров кўчасида, № 26 — Октябрь район бозорида (болалар магазини), № 27 — Беш'ёғоч бозорида.



„ҚИЗИЛ СОАТЧИ"
артели
ҲАРХИЛ СИСТЕМА
ЕЗУВ, ҲИСОБ МАШИНАЛАРИ
ВА МИКРОСКОПЛАРНИ
РЕМОНТГА
қабул қилади

Ремонт ҳақини нақд тўлаш ва перечисление бўйича ўтказиш мумкин.

Шунингдек артель ёзув, ҳисоб машиналари ва соатларни қараб туриш учун шартномалар тузади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 41-нчи уй. Телефон — 31-706.

Максим Горький кўчаси, 9-нчи тупик, 2-нчи уйда туручи **Шендел Вольковна Кандинованинг** Турк янги шаҳар кўча, 27-нчи уйда туручи Александр Михайлович Кандиновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 38334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалиги бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01710. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1314.